

O'zingni angla!



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil  
4-iyun  
chorshanba  
№ 22 (1449)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ gazhurriyat@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## СИЁСАТ

### Пекинда хитой тилига таржима қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг тақдимоти бўлиб ўтди

Мамлакатимиз элчихонаси томонидан Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтида “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг хитой тилидаги рисоласининг тақдимоти бўлиб ўтказилди.

Элчихона томонидан “Тараққиёт стратегияси” маркази кўмағида рисола шаклида нашр этилган “Ўзбекистон-2030” стратегияси Марказий миллиятлар университетининг ўзбек тили ўқитувчиси Дилсора Мирзаахмедова томонидан хитой тилига таржима қилинган.

Тадбирда Хитойнинг етакчи илмий, академик, эксперт-таҳлил марказлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тақдимот иштирокчилари “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг асосий мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгилаган мақсад ва вазифалар билан таништирилди.

Маъруза давомида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мамлакатимизни келгуси 7 йилга мўлжалланган ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат ва ундаги 5 та устувор йўналиш доирасида 100 та мақсад амалга оширилиши таъкидланди.

Бугун Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимизнинг ҳоржий давлатлар билан дўстона муносабатларини янада ривожлантиришга ҳам асос бўлаётгани уруланди.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда жадал ривожланган, янги даврда ҳар томонлама стратегик

шериклик даражасига эга бўлган Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фаол ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг самарали натижалари қайд этилди. Иштирокчиларга июнь ойида Самарқанд шаҳрида иккинчи Ўзбекистон-Хитой минтақалараро форуми ўтказилиши, бу ишбилармонлик алоқаларига янги суръат бағишлаши ҳақида маълумот берилди.

Тахиз институти бош котиби ўринбосари Ван Юйгуэ ўз чизида Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олиб, ёшлар таълим ва тарбияси муҳимлигини таъкидлади. Унинг айтишича, Стратегияда бу борада аниқ вазифалар белгилаган. Бу борада касбий таълим ва талабалар алмашинуви соҳасида ҳамкорликни кучайтириш, қўшма илмий марказлар ва технопарклар ташкил этиш ёшларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Хитой Халқаро муносабатлар академияси тадқиқотчиси Чжао Чжэнь “Ўзбекистон – 2030” стратегияси пухта ишлаб чиқилган режа бўлиб, мамлакат тараққиётининг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олганини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига қўшилиши истаги, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимларини модернизация қилиш хитойлик инвесторлар учун жозибадор имкониятлар яратмоқда.

Сунь Чжуанчи, Хитой Ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори:

— Бугун Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон-2030” стратегиясига бағишланган давра суҳбати ўтказдик.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу стратегия Ўзбекистон тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Стратегиянинг иқтисодий соҳадан тортиб давлат бошқарувига бўлган мақсадлари мамлакатнинг келажакдаги ривожланишига катта ҳисса қўшади, шунингдек, Хитой-Ўзбекистон ҳамкорлиги учун янги имкониятлар яратади.

Бугунги тақдимот туфайли Ўзбекистонда мазкур стратегия доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдик.

Лю Чан, Хитой Ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти Марказий Осиё ва Кавказ бўлими кичик илмий ходими:

— Бугун “Ўзбекистон-2030” стратегияси тақдимотида иштирок этиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман.

Қайд этиш жоизки, стратегияда кўзда тутилган бешта ривожланиш мақсади БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, глобал ривожланиш концепцияларининг миллий шароитларга татбиқ этилишини намойиш этади. Ушбу стратегия, шунингдек, халқаро тенденцияларга мос келади ва миллий воқеликка асосланади.

“Дунё” АА, Пекин шаҳри.

## СЕМИНАР

### МАЪРИФАТНИНГ ФАОЛ ЭЛЧИЛАРИ БЎЛИШ КЕРАК!

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳузуридаги “Зиё” медиа маркази ташаббуси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташкилотчилигида “Радиқаллашув омилида ахборот манипуляцияси ва унга қарши курашиш” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг амалий кўмағида ўтказилди.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ректори, таниқли олим Музаффар Комилов ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда қайд этилганидек, диний радикал гоялар, экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотларнинг ахборот хуружи аҳоли, айниқса, ёшлар онгига жиддий таҳдид солмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Телеканаллар, радиостанциялар, интернет сайтлари, газета ва журналларда минглаб журналистлар фаолият юритмоқда.

Бироқ радикализм, экстремизм ва терроризмга қарши журналистик йўналишда иш олиб бораётган ижодкорлар сони сезиларли даражада кам. Бунинг ортида мавзунинг мураккаблиги, журналистларнинг махсус тайёргарлиги етарли эмаслиги, хусусан, радикализм масаласининг сиёсий, геосиёсий, иқтисодий, диний ва мафқуравий жиҳатларидан воқифлик даражаси пастлиги каби қатор омиллар ётади.

— Диний мавзу жуда нозик саналади, —



деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов. — Бу мавзуни ёритиш эса журналистларимиздан чуқур ва мукамал билим, соғлом тафаккурни талаб этади. Шу сабабли мазкур мавзуда қалам тебратётган журналистлар учун семинар ташкил этиш долзарбдир. Айтиш кераки, бу каби маърифий-амалий семинарларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказиш кўзда тутилган. Маълумки, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилаётган анжуманлар жараёнида мазкур муаммо янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Ўқув-семинардан қўзланган асосий мақсад эса журналистларни ахборот хуружи, дезинформация ва диний радикализм таҳдидларига қарши маърифий ёндашувлар асосида қайта тайёрлаш, уларни бу мураккаб жараёнларни ҳолис ва таҳлилий ёритишга қодир мутахассисларга айлантиришдан иборат.

орқали ёшлар онгига таъсир ўтказишга қаратилган экстремистик гуруҳлар фаолияти жиддий хавотир уйғотмоқда. Ахборот майдонидagi манипуляциялар, сохта маълумотлар ва тарғибот-ташвиқот воситасида онгни бошқаришга қаратилган уришлар фақат медиа соҳасининг муаммоси эмас, балки миллий хавфсизликнинг ажралмас қисmidир.

Шундай шароитда журналистлар ахборот тарқатувчи эмас, балки жамиятда маънавий иммунитет яратувчи, хавфсизликни мустаҳкамловчи маърифат элчилари сифатида фаолият юритишлари лозим.

Ўқув-семинар якунида ҳар бир иштирокчига ўқилган маърузалар асосида мақола ёки таҳлилий материал тайёрлаш юзасидан тавсиялар берилди. Уларга сертификатлар, келгусида мавзуни атрофлича ва самарали ёритишда қўл келадиган китоблар ва қўлланмалар тўплами тақдим этилди.

Назкат УСМОНОВА

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

### ИЖОДКОРЛАР “САМАНКЎЛ” ОВУЛИДА БЎЛИШДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Усимликлар карантини ва химояси агентлигининг фитосанитария лабораторияси фаолияти билан таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари учун пресс-тур ташкил этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар Хужайли тумани “Саманкўл” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги пахта ва галла майдонларида бўлиб, агентликнинг кўчма лабораторияси томонидан амалга оширилаётган зараркунанда ва касалликларни аниқлаш ҳамда мониторинг ўтказиш тадбир жараёнларига бевосита қатнашишди. Шунингдек, тумандаги биологикал лабораториялар томони-



дан етиштирилган олтинкўз, трихограмма ва бракон каби фойдали энтомофагларни дала майдонларига тарқатиш, феромон тутқичларни мониторинг қилиш ва бошқа биологик қарши кураш жараёнлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

### “НАЙМИЗ, НАВО ҲАҚДИН КЕЛУР”

Серқирра истеъдод соҳиби, фахрий журналист Боқий МИРЗО Умрзоқовнинг 70 йиллик юбилеи арафасида нашрдан чиққан китоби шундай номланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари ҳамда Чортоқ туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Боқий Мирзонинг 70 ёшлик юбилеи тантанали нишонланди.

Унда туман ҳокимияти вакиллари, меҳнат фахрийлари, ижодкорлар, журналистлар иштирок этди.



2-6

## НУҚТАИ НАЗАР

### БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАДАМ

Бухоро давлат техника университетидa барқарор ривожланиш талабларига жавоб берадиган “яшил университет” концепциясини амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди

Бугунги кунда бутун дунё экомухит ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларга қарши курашиш йўлида фаол ҳаракат қилмоқда. 2025 йилга келиб, глобал ҳамжамият барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юртимизда 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда экологик масалаларга давлат даражасида эътибор кучайганини ана бир бор кўрсатди. Бундай тарихий қарор — ҳар бир соҳада, жумладан, олий таълим муассасаларида ҳам “яшил” ёндашуви жорий этиш зарурлигини аниқлатади.



Гап шундаки, бугун олий таълим фақат касб эгаларини тайёрлаб берувчи тизим эмас, балки жамиятни ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантирувчи кучли платформага айланиши зарур. Айнан шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг 2025 йил 24 январдаги 22-сонли қарорига мувофиқ, Бухоро давлат техника университети олдидa барқарор ривожланиш талабларига жавоб берадиган “яшил университет” концепция-

сини амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Яшил университет — бу келажак, бу экологик барқарорлик принципларига амал қиладиган, атроф-муҳитга минимал салбий таъсир кўрсатадиган ва экологик онгли авлодни тарбиялашга интиладиган олий таълим муассасаси ҳисобланади. Унга ҳозирдан оқ қадам ташлаш эса бизнинг энг тўғри танловимиздир.

3-6

# Ҷеознинг кўнгли

“...Оқибатли инсон, ёзувчи, шоир ва журналист Абдусайд Кўчимовнинг кўнгли болалиқдан бугунгача ўз жойида собит турибди. Бунга қамини ўз ҳаётининг асосий мезони бўлмиш бир ижодий жамоадаги ҳизмат фаолиятим давомида тўла амин бўлганман...”

4-6



УМР ИБРАТИ

# “МУАЛЛИМ ДЕСАЛАР МЕНИ, ҚАНИЙДИ...”

ёхуд ўқитувчилик касбидан саодат топган жийдакапалик Ҳабибулло ҲАЙДАРОВ ҳақида мухтасар ҳикоя

Тўрақўрғонда турли лавозимларда ишлаган Ҳабибулло Ҳожиमतлов деган узоқ йиллик кадрдонимиз бор. Ёши етмишдан ошган бўлса-да, олимлар илмини амалиётга жорий қиладиган уруғчилик тажриба даргоҳига раҳбар.

У киши билан Тўрақўрғондан бориб Наманган шаҳрига кираверишда, йўл бўйидаги идорасида учрашишга келишган эдик.

У ерда ёшлари элликлар чамасидаги, кўз қарашларидан раҳбарлик нафаси сезилиб турган киши ҳам Ҳабибулло акани кутаётган экан.

У салом-алиқдан сўнг, Ҳабибулло ака эрталаб докторга кўриниб, ҳадемай келиб қолишини айтди.

— Кўзимга иссиқ кўриняпсиз, қаердадир учрашган бўлсак керак-а, — дедим янги танишимга.

— Мен ҳам сизни танигандай бўлиб турибман, Носир Отахонов ҳақида китоб ёзгансиз-а? Устознинг дала шийонида бир марта кўришганим, шекилли?

Қойил! Айрим кишиларда хотира — эслаб қолиш қобилияти жуда кучли бўлади. Бу киши “Чинор шоҳидаги синчақ” китобини қаҳрамони, фозилларга хос ҳаёт кечириб, ўзидан гўзал хотиралар қолдириб кетган олим Носир Отахоновнинг шогирди Ойбек Ҳайдаров экан. Китобда устози билан Шахрисабздаги “Оқсарой” майдонида тушган расми ҳам бор экан.

Тасодифий учрашув бўлса-да, суҳбатимиз дарров қовушиб кетди. Носир Отахоновни эсладик. Ойбекнинг ўзи ҳам уруғчилик соҳаси илм аҳлларидан экан. Таъбиға маъқулроқ гаплар айтдим, шекилли, тезда дўстлашиб қолдик. Дўст тутишни ҳам тирикчиликнинг фазилати ахир!

Ойбекнинг айтишича, отаси Ҳабибулло Ҳайдаров ҳам газетачи, китобга меҳри жуда баланд киши. Китобимни ўқиганида “шу китобни ёзган киши билан бир учрашсам, яхши бўларди” деб ният қилди. Ўзим ўн бир йилча аввал чиққан китобимнинг кекса муҳлими билан кўришиб суҳбатлашни руҳиятимга қанчалар қувват беришини тасаввур қилиб, завқланиб кетдим.

Ойбек Ҳайдаровга янаги сафар Наманганга келганимда, албатта, отаси билан учрашишга ваъда бердим...

Хуллас, ўтган ҳафта Наманган вилояти ҳокимининг тақлифига кўра 64-халқаро гуллар фестивали очилиши маросимида иштирок этдим. Бу ҳақда газетамизда мақола ҳам берилди.

Ушбу сафар кунлари Ҳабибулло Ҳайдаров билан учрашиш мақсадида Наманган шаҳридан Уйчининг Жийдакапа кишлоғи томон йўлга чиқдик. Яхроҳим Рўзимухаммад инсон руҳиятини яхши тушунадиган, дилкаш инсон экан. “Кумтёпа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Наманган кўчасида истикомат қилувчи Ҳайдаровлар хонадонидамиз.

— Хайрият, домла уйга келибди, — деди Рўзимухаммад оқ дарвозадан кўриниб турган, ҳовлининг этак томонидаги қора “Таскек”га ишора қилиб. — Ҳабибулло ака етмиш беш ёшга кираётган бўлса-да, жуда гайратли. Тиним билмайди. Эрталаб сизнинг бошинингизни айтгани кўнгирак қилганимда, асалариларидан хабар олгани даласига кетган экан.

— Бугун омадли кун экан, юзидан нур ёғилиб турган инсон билан кўришиш насиб этди, — дейман Ҳабибулло акага. Назаримда, соч-соқолига оқ тушган бу нуруний билан аввал ҳам кўришгандекман. “Яхшиликни очиб чехралилардан кутинг” деган муборак ҳадиси шариф ёдимга тушиб, кўнглим янада кенгайиб кетгандек бўлди.

Наманганда ёши каттароқ кишилар яланбош юришмайди. Эрақларнинг бошида дўппи, аёллари рўмолда. Тиббий



тадқиқотларга кўра, бошида кийими борлардан кўра, яланбош юрганлар бош билан боғлиқ беморликларга кўпроқ дучор бўлар экан. Миллий дўппини кишиларни салобатли ва фазли қилиб кўрсатади.

Устоз-муаллимга ярашиб турган бош кийимни кўриб, ҳаёлдан ўтди бу гаплар. Энг муҳими, ёруғ юз билан суҳбат қурмоқ, суҳбатларда яхшилик ва одамийлик хислатларининг устун бўлиши — асосий маъни.

Суҳбат аввалида: — Қишлоғингизда жийда кўпчилиги учун номи “Жийдакапа” дейилган бўлса керак-а? — дея қизикдим.

— Бу ном тўрт юз йиллик тарихга эга, — деди Ҳабибулло ака. — Айтишларича, бир пайтлар дарё бўйларидида ёввойи жийдалар кўп бўлган экан. Одамлар жийдан курилган капаларда яшаб, деҳқончилик қилишган. Ҳозир ҳам биз томонларда жийда дараклари кўп.

— Уқувчиларимдан бири анчадан бери чойга тақлиф қилиб юрвди, хўп десангиз, — деди Ҳабибулло ака. — Айтишларича, бир пайтлар дарё бўйларидида ёввойи жийдалар кўп бўлган экан. Одамлар жийдан курилган капаларда яшаб, деҳқончилик қилишган. Ҳозир ҳам биз томонларда жийда дараклари кўп.

— Уқувчиларимдан бири анчадан бери чойга тақлиф қилиб юрвди, хўп десангиз, — деди Ҳабибулло ака. — Айтишларича, бир пайтлар дарё бўйларидида ёввойи жийдалар кўп бўлган экан. Одамлар жийдан курилган капаларда яшаб, деҳқончилик қилишган. Ҳозир ҳам биз томонларда жийда дараклари кўп.

— Наманганда Машраб исми кишилар кўп бўлади-а! — деб унга юзландим. — Туғилишимдан икки кун аввал онамнинг қорнида йиғлабман, шунинг учун Машраб деб исм қўйишган экан, — деди мезбон.

— Машраббой ўқувчилигидан адабиётга, шеърятга, спортга қизиққан, — деди Ҳабибулло ака.

Барибир, сокин жойда ижодкорга меҳри бор инсонлар билан давра қилишнинг қорнида йиғлабман, шунинг учун Машраб деб исм қўйишган экан, — деди мезбон.

Ҳабибулло ака Наманган давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва спорт факультетини битириб, туғилиб ўсган Жийдакапа кишлоғидаги қурилиш техникумида иш бошлади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида шу ўқув даргоҳида салкам қирқ йил дарс беради. Уқувчиларда ўсирилик чоғларидаёқ спортга муҳаббатни уйғотиш, уларнинг вужудига соғломлик, қаддига қомат, билагига қувват берадиган фандан дарс бериш ҳам катта аҳамиятли иш экан. Айниқса, йилларнинг ҳақиқий эрақ бўлиб йиғиланишида спортнинг роли катта. Ҳабибулло ака ҳам ўзининг ёшлик гайратини, куч-қувватини, билим-зеҳнини сарф этиб “Ҳайдаров домла” деган номга эришган саодатли инсонлардан бири.

Бейхитёр ҳаёлим узоқларга кетди. Уша йиллари муаллимлик касбига содиқ қолган ҳаммага ҳам насиб этмади. Кўп ўқитувчилар касб заҳматларига, маошлар камлигига сабр-қаноат қилолмади. Аввалига эрақ ўқитувчилар, ортларидан аёл муаллималар тирикчилик илинжида ўзла-

рини бир бозордан минг бозорга уришди. Гудек касбини ташлашга мажбур бўлишди. Тарбият ва маърифатнинг машаққатли кўчалари уларга торлик қилди. Бозор деб аталмиш талатуп ичида ўзигидан, баъзан гурур-оридан айрилишга рози бўлишди. Ёпирилиб келган Ғарб маданияти тўғрисида ўқитувчи кимлигини, адаб нималигини англамай уяғаятган болаларнинг тарбиясизлиги, ота-оналарнинг “болопарвар”лиги ўқитувчилар асабларини қақшатди, руҳиятларини синдириди. “Бор-э” дейишди, қўл силтаб, бошқа тирикчиликнинг бошини тутишди. Ризқ излаб неча юзлаб, минглаб муаллимлар руссия томонларга, чет элларга кетиб қолди.

Бугун ўқитувчилар замони келди. Шавкат Мирзиёев ўқитувчилик касбининг қадр-қимматини, нуфузини, ойлик маошларини кескин оширди. Қанча вақтлар кўча супуришга ҳам, турли дала юмушлари — пахта йиғим-теримию, гўзани чопик, яғана қилиш бўладими ёхуд бошқа ишми, барига ўқитувчилар балоғардон бўлди. Улардан мактаб, дарс, илм сўралмай қолган эди. Тайёр мардикор вазифасини ўқитувчилар бажаришга мажбур бўлишди.

Хайрият, давр ўзгарди. Бугун ўқитувчи — чинакам устоз. Касбини мукаммал эгаллаган илгор муаллимлар бугунга келиб анча юқори ойлик маош оладиган бўлишди. — Уйлаб қолдингиз, чойингизни янгилаб берай, совиб қолгандир, — деб Рўзимухаммад пилегага қўл узатди...

Ҳабибулло акадан ота-онаси ҳақида гапириб беришини сўрадим.

— Дадам раҳматли Ҳайдарали Шариповнинг асли касби ҳосилот бўлган. Пахтачилик бригадасига, жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган. Эсимни таниганимда, чорвачилик фермасига мудир эди. Кам гапирар, кўп ишлар эди. Қўшлар тинса тинарди, отам тинмасди. Ҳаром лўма емагин, ҳаром бойлик одамгарчиликдан чиқаради, кибр отига миндиради, одамни одамийликдан айириб, тамом қилади, дердилар. Ҳақиқат уч нарсадан узоқ юриш керак деб ўғит берган: “Наша чекмагин, банги бўласан, банги дегани банди дегани, бузуқлик йўлидан юрмагин ва ароқ ичмагин”, дер эдилар...

— Дадамнинг гапларига амал қилиб кам бўлмадим. Фарзанду набираларимга ҳам уларнинг насихатларини айтаман. Ибратли ҳикояларидан гапириб бераман.

Хайринисо онам раҳматли жуда зукко, меҳрибон она бўлганлар. Покиза, саранжон-сарихта эй тутарди. Ўн бир фарзандни оқ ювиб, оқ тараган оқила аёл эди. Халқ озаки ижодини яхши кўрарди. “Алпомиш”, “Турғули” дostonларини ёддан биларди. Кечалари дoston тинглаб, онамнинг кўйида ухлаб қолардик. Юзлаб мақолларни биларди. Сўзлаганида мақол қўшиб, таъсирли қилиб гапирардик.

— Жиян тоғасига тортар экан, — деди Ҳабибулло ака суҳбатни давом эттириб. — Тоғаларим чавандоз бўлишган. Ўғилларим ҳам от миниб, улоқ чоғиб катта бўлишди. Энди набираларим от чоптиришмоқда.

— Учрашувимиздан аввал ўғлингиз Ойбекдан сиз ҳақингизда сўраганимда, дадам сўзининг устиди турадиган, қатъиятли, фарзанд тарбиясига жудаам эътиборли, маърифатли инсон дея таъриф берди.

— Бу фазилатлар менга ота-онамиздан мерос. Яна бир ҳаётда кўрганам бор. Институтни битириб, олий маълумот олган, Германияда ҳарбийда хизмат қилганман. Ушанда немислардан кўп нарсаларни ўрганганман. Гарнизонимиз Шарқий Берлиннинг Шонвалд (маъноси гўзал ўрмон) кишлоғида жойлашган. Ҳамма

ишни ўз вақтида қиладиган қатъиятли кишиларга “немис бўлиб кет-эй!” деган таъриф бежизга айтилмаган экан.

Германиядаги бир йиллик зобитлик ҳарбий хизматим даврида ўғил фарзандим туғилганлиги хабари борди. Хат ёзиб, исмини Улугбек қўйишларини билдирдим. Техникумда Улугбек ва Ойбек деган ака-укалар билан бирга ўқиганмиз. Улар бир-бири билан жуда иноқ, тартибли ва яхши ўқишарди. Ҳамма уларга ҳавас қиларди. Ёшлигимда иккита ўғил кўрсам, исмларини Улугбек, Ойбек қўйишни кўнглимга тугиб қўйгандим. Аллоҳ иккита ўғил берди, ниятим ушалди. Ушлардек иноқ бўлиб вояга етишди. Аммо Улугбекимизнинг умри қисқа экан. Йигирма тўққиз ёшида — айна кучга тўлиб, гуллаган чоғида оламдан ўтиб қолди. Фарзанд доғини фарзандидан айрилганлар бўлади. Уч нарасида кўлимизда қолди. Отаси йўқлигини билдирмаслик учун бошқалардан кам қилмай ўқитдик, уйли-жойли қилдик, уларнинг бахту қамолини кўриб юрибмиз. Аллоҳ раҳмат қилсин, келинимиз — Улугбекнинг турмуш ўртоғи ҳам тўрт йил аввал оламдан ўтди.

Набираларимиз, айниқса, Жаҳонгир кўнгли тоза йигит бўлганди. Институтни битириб, илмий тажриба даргоҳида ишламоқда.

Ота-онасининг дуоларини олган, кўнгли очик, зиёли инсонлар билан дардлашсам, худди яхши китоб ўқигандай маънавий ором оламан. Ҳабибулло хожи билан бир гаплашган киши, яна кўришсам дер экан.

— Нуруний-мўсафид бўлиб ҳаёт кечирингизда аҳли аёлинингизнинг хизмати катта бўлса керак? — Дилором опангиз билан қирқ беш йил бирга яшаган эдик. Худо раҳмат қилсин, кўли енгил доя-ҳамшира бўлган. Туманимиздаги юзлаб оналар ўз чақалоқларини соғ-саломат қўлига олишида аёлимизнинг хизматлари сингган. Ўзи ҳам, сўзи ҳам гўзал аёл эди, — деди Ҳабибулло ака.

Ҳабибулло аканинг қўл телефони тез-тез жиринглаб қолди. Унинг айтишича, интернетда бирга ўқиган синфдошлари Чортоқда йиғилишибди, шунга тақлиф қилишгаётган экан.

— Керакли маълумотларни олдим-ку, яна бирор савол туғилса, кўнгирак қиларман, дўстларингиз кутиб қолишмасин, — деб Ҳабибулло ака билан хайрлашдим. — Ундан содиқ дўстлари ҳақида сўраганим, у чортоқлик кадрдон Обиджон Тошбоевнинг телефон рақамини берди.

Обиджон ака билан боғландим. “Яшанг, яхши, эзгу ишга қўл урибсиз. Дўстим китобни, адабиётни яхши кўрадиган қалби гўзал, доно инсон. Ўтган йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев Наманганга келганида, Ҳабибулло Ҳайдаров билан ҳам учрашган эди. Расмини кўрдингизми? Агар ўқиган бўлсангиз, Парда Турсуннинг “Ўқитувчи” романи бор. Ҳамюрт ёзувчининг худди Ҳабибулло Ҳайдаров ҳақида ёзганга ўхшайди”.

Бундай беғубор таърифдан хурсанд бўлмасдан илож йўқ. Чиндан ҳам Ҳабибулло Ҳайдаровга берилган энг муносиб баҳо...

У миллатимизнинг фидойи кишиси. Ҳақиқий зиёли, камтарин ва самимий. Устоз, муаллим. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек: *Шоиреа дедилар: — Сиз бахтли инсон, Халқингиз ардоқлар,*

*ҳамма танийди.*

*Шоир жавоб қилди: — Менда бир армон: Муаллим десалар мени, қанийди!*

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТУҲФА



## ҒОЯ БИЛАН ҚУРОЛЛАНГАН АСКАР МАҒЛУБ БЎЛМАЙДИ

Бугунги глобал майдонда кузатилаётган ҳарбий-сиёсий беқарорлик, турли шаклдаги таҳдидлар ва хавф-хатарлар нафақат давлатлар, балки жамиятлар учун ҳам жиддий синовга айланиб бормоқда. Бу, энг аввало, ҳар биримизни Қуроли Кучларимизга ҳам маънавий, ҳам жисмонан кўмакчи бўлишга ундайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, юртимиз хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашда ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий салоҳият Қуроли Кучларимизнинг икки асосий таянчига айланиши зарур.



Бугунги кунни муодофаа тизимида ўзига хос байрам, маънавий шодиёна кун деб атаган бўлар эдим. Чунки мард ва жасур аскарларимизга қалам аҳли — ижодкорлар томонидан юксак руҳ ва ватанпарварлик гоғларини бойитилган бебаҳо совғалар тақдим этилди. Бу ижод аҳли ҳамда Ватан ҳимоячиларини ўртасида шаклланаётган чуқур ҳамкорлик самарасидир. Бунинг натижаси ўлароқ ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва ҳарбий таълим муассасалари тарбияланувчилари учун юксак маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган “Мард аскарга совға” тўпламлари дунё юзини кўрмоқда. Бу китоблар нафақат ҳарбий хизматчилар, балки кенг жамоатчилик учун ҳам маънавий ҳазинага айланиб бораётгани ҳарбий соҳа ва адабиёт олами ўртасидаги уйғунликнинг юксак намунасидир.

Ҳабарингиз бор, кунни кеча Ўзбекистон Қуроли Кучлар академиясида маънавий-маърифий ҳаётда муҳим воқеа — “Мард аскарга совға” туркумидан чоп этилган китоблар тақдими бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бу галги тўплам 7 номдаги асарни ўз ичига олиб, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар учун юксак маънавий озуқа бўлиб хизмат қиломоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарини ва масъул ходимлари, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, таниқли шоир ва адиблар, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар ҳам бўлишди. “Мард аскарга совға” туркумида чоп этилаётган митти китобчаларда Ватанга садоқат, миллий қадриятларга эҳтиром, мардлик ва фидойилик гоғларини муҳасамас. Ҳикоя ва шеърлар, дostonлардан парчалар, шу мавзудаги қўшиқ матнлари орқали юракларга кириб борадиган бу китоблар ҳарбийлар руҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу китоблар нимага хизмат қилади, деган савол туғилиши табиий. Жавоб аниқ: ватанпарварлик сўз билан эмас, амал билан исботланади. Бу туйғу аниқ мақсад ва бағрикенг гоғлар билан тўйинсагина ҳар қандай таҳдидлар қаршисида мағрур тура олади. Бу китоблар ўзбек аскарининг қаддини кўтарувчи маънавий қалқон сифатида чоп этилмоқда. Бугун дунёда урушнинг шакл-шамойили ўзгарган. Энди ғалаба аскарининг сони ёки қурол-аслаҳа кучи билангина эмас, балки гоғвий зеҳн, руҳий бардош ва аниқ стратегик мақсад билан ҳам белгиланади. Замоनावий урушда дўшмани фақат қурол билан эмас, ватанга чекис муҳаббат, уйғоқ фикр, мустақкам маънавият билан енгиш мумкин.

Шунинг учун ҳам “Мард аскарга совға” туркумидаги китоблар шунчалик адабий тўплам эмас, балки руҳий қалқондир. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Темур тиги етмаган жойини қалам билан олди Алишер”, деган сатрларини эсланг. Бунда илму маърифат, тафаккур ва гоғнинг беқиёс қудрати, ҳаётини ва тарихий ҳақиқати муҳасамас. Чиндан ҳам, қилчи ета олмаган нуктага қалам етади. Қўшин босиб ўта олмаган қалъани гоғ забт этади. Устоз шоир сатрларида англашилганидек, қалб ва онг учун кураш авж олган замонда энг катта ютуқ — маънавий устунликдир.

Шундай экан, ҳар биримиз ватанимизнинг чин аскари, хавфсизлигининг ҳимоячиси бўлишга маълумиз. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ёзганидек:

*Токи хавфу хатар бор, шудир темир тарбия:  
Ҳар биримиз — посбонимиз, ҳар биримиз — армия,  
Халқу Ватан тавиши — барчангиз тенг шишир,  
Бугун ҳар беговта қалб — хавфсизлик кенгашидир.*

Дарвоқе, “Мард аскарга совға” туркумида “Бобомерос туйғу” (ҳикоялар), “Аскар онаси” (ҳикоялар), “Олимпиада илҳомлари” (шеърлар), “Ота макон” (шеърлар), “Ватанни ҳар кимга ишониб бўлмас” (шеърлар), “Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!” (шеърлар), “Эр йигит қалтидан кечмайди” (шеърлар) каби тўпламлар ўрин олган.

Олимжон ЎСАПОВ,  
Мудофаа вазирлиги масlahатчиси

## “НАЙМИЗ, НАВО ҲАҚДИН КЕЛУР”

1-6

Боқий Мирзо Қўқон давлат педагогика институтида таҳсил олиб қайтган, дастлабки иш фаолиятини умумтаълим мактабларида ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик серқирра, устоз ижодкор оммавий ахборот воситалари — “Меҳнат байроғи”, “Чортоқ ҳақиқати” ва “Суҳбатдош”, “Бекажон” каби туман ва вилоят газеталарида муҳбир вазифаларида меҳнат қилади. Шунингдек, “Ташаббус”, “ШАРҚ” телевидениеларида “Хотира”, “Салоҳият”, “Мулоқот”, “Учрашув” сингари муаллифлик кўрсатувларини олиб бориб, эл назарига тушади. Йиллар давомида вақтинчалик нашлашларда қалами чархланиб, журналистик фаолиятини ижод билан ёнма-ён олиб борган устоз кейинги йилларда 5 жилдлик хотира-эсселари жамланган китобини чиқарди. Фахрий ижодкорнинг “Бўри қонли” романи Германиядаги “Шлоссер” нашриётида чоп этилиб, немис ўқувчилари томонидан ҳам ўқилмоқда. — Сермаҳсул ҳаёт ва ижод билан яшаб келаётган фахрий устоз журналист Боқий МИРЗО Умрзоқовнинг

ҳаёт йўлига ҳавас қилса арзийди ва эътирофга лойиқ. Бугун серқирра ижодкорнинг кутлуг ёши кунда “Наймиз, наво Ҳақдин келур” номли янги китобининг тақдими ҳам ўтказилиб, барча китоб ихлосомандларига яна бир совға-туҳфа бўлди, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Носиржон Деҳқонов.

## ЖУРНАЛИСТЛАР БЕЛАШДИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси, Спорт вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ижтимоий тармоқ фаоллари ўртасида Спартакиада мусобақалари ўтказилди.

Нурафшон шаҳридаги “Хумо-Арена” ўйингоҳида спортнинг мини-футбол, шахмат-шашка, югуриш, стол теннис каби турлари бўйича оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқ фаоллари ўртасида ўтказилган мазкур мусобақаларга вилоятнинг ҳар бир ту-



ман-шаҳарларидан 300 нафардан ортиқ қатнашчилар иштирок этди. Дўстона ва қизгин баҳсларга бой бўлган мусобақада умумжамоа ҳисобида Янгийўл, Бўка, Урта Чирчиқ, Паркент, Тошкент туманлари, Олмалик шаҳри вакиллари фаоллиги билан ажралаб турди. Тақдирлаш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, бу каби мусобақаларни янада кенг тарғиб қилиш, мунтазам равишда ўтказиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.





# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАДАМ



Бухоро давлат техника университетида барқарор ривожланиш талабларига жавоб берадиган “яшил университет” концепциясини амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди

**1-6.** Яшил университет — бу фақатгина “кўкаламзорлаштириш” ёки чиқиндиларни ажратиш билан чекланиб қолмайди. Яшил университет модели — таълим, илм-фан, бошқарув ва инфратузилма тизимларнинг экологик барқарорлик мезонлари асосида қайта кўриб чиқишнинг назарда тутилган. 2025 йил глобал экологик кун тартибида “бурилиш даври” бўлиб хизмат қилмоқда. Иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши, сув ресурсларининг танқислиги, биохилма-хилликнинг йўқолиши каби таҳдидлар нафақат табиатга, балки жамиятнинг ҳар бир қатламига бевоқиф таъсир кўрсатмоқда. Олий таълим муассасалари бу таҳдидларни таҳлил қилиш, уларга илмий ечимлар тақлиф этиш ва экологик онгли ёшларни тарбиялаш марказига айланиши зарур.

билимга эга бўлишди.

Инновациялар маркази сифатида хизмат қилиш: яшил технологиялар, экологик стартаплар ва илмий тадқиқотлар орқали университет жамият учун реал экологик ечимлар ишлаб чиқади.

Яшил университетларда ўқув дастурларига экологик фанлар, барқарор ривожланиш таъминоти киритилиши орқали талабалар нафақат касб эгаси, балки атроф-муҳит ҳимоячиси сифатида шаклланади. Бундан ташқари, талабаларни экологик лойиҳаларда иштирок этишга жалб қилиш, “яшил” тадбирлар ташкил қилиш, волонтерлик ҳаракатлари орқали улар амалий тажрибага эга бўлишди.

Университетлар фақат билим берувчи эмас, балки жамият учун йўл кўрсатувчи етакчи ташкилотдир. Шу сабабли, “Яшил университет



Яшил университет модели бу — энергия самарадорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, табиат ресурсларини тежаш ҳамда экологик онгли ёшларни тарбиялашга йўналтирилган олий таълим модели ҳисобланади. Бундай университетларда нафақат дарс ўқитилади, балки ҳар бир биноси, ёндашуви ва бошқаруви орқали экологик масъулият ва барқарор ривожланишга хизмат қилади. Мамлакатимизда “яшил” иқтисодиёт таъминоти бўлишига бошқаришчи жорий этилмоқда, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кенгаймоқда, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси орқали миллионлаб дарахтлар экилмоқда. Бу жараёнда университетлар олдидан икки томонлама вазифа турибди: бир томондан — ўзларнинг экологик зарарини камайтириш, иккинчи томондан — экологик маданиятни, онгли ва масъулиятли авлодни тарбиялаш.

Халқаро ҳамкорлик — яшил тараққиётга йўл. Халқаро даражада тан олинган “UI GreenMetric World University Rankings” мезонларига кўра, яшил университет 6 асосий йўналиш, яъни инфратузилма ва атроф-муҳитни бошқариш, энергия ва иқлим ўзгаришига қарши чора-тадбирлар, чиқиндиларни бошқариш, сувдан фойдаланиш, транспорт тизими, таълим ва тадқиқот фаолияти бўйича баҳоланади. Бу кўрсаткичларни сифатли жорий этиш учун эса халқаро тажрибани ўрганиш, илғор университетлар билан ҳамкорлик қилиш зарур бўлади. Турли мамлакатларнинг илғор университетлари ўзида тўплаган муваффақиятли “яшил” амалиётлар, технологик ечимлар ва бошқарув тизимлари орқали бошқа университетларга таълим бўла олади. Масалан, Малайзия, Нидерландия, Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа давлатларнинг университетлари бу борада сезиларли натижаларга эришган.

Бухоро давлат техника университети бугунги кунда ўзининг илмий салоҳияти, инновацион ёндашуви ва кенг қамровли халқаро ҳамкорликлари билан мамлакатимизда “яшил университет” сифатида эътироф этилмоқда. “Яшил университет” кўрсаткичларини жорий этиш бўйича Бухоро давлат техника университетига Малайзиянинг Султан Идрис университети профессори, “Яшил университет” рейтингини (“GreenMetric”) бўйича халқаро эксперт Залина Зулқифли бошчилигидаги экспертлар жалб этилди. Ташрифдан қўзғалган асосий мақсад — қисқа муддат ичида университетда

яшил технологияларни татбиқ этиш бўйича аниқ тақлиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишдан иборат. Профессор Зулқифли университет раҳбарияти ва тегишли бўлим вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ билан биргаликда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ечимлар ишлаб чиқиш, “GreenMetric” кўрсаткичлари бўйича университет рейтингини ошириш йўналишларида фаолият олиб бормоқда. Университетда “Яшил тадқиқотлар” илмий-тадқиқот маркази ташкил этилиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия тежамкорлигини таъминлаш ва экологик хавфсизлик бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Ушбу марказ орқали университет нафақат назарий-илмий фаолият билан, балки амалий лойиҳалар асосида реал муаммоларга ечимлар ишлаб чиқишга интилимда.

Университетда олиб борилаётган ишлар ёш авлодда экологик тафаккур ва барқарорлик қадриятларини шакллантириш, “яшил” технологияларни илмий асосда ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали ўз самарасини бермоқда. Бу нафақат университет имижини оширади, балки экологик масъулиятли кадрлар тайёрлаш орқали бутун мамлакатнинг келажак экологик хавфсизлигига хизмат қилади.

Келажакда Бухоро давлат техника университети “Яшил университет” таъминотларини янада чуқурлаштириб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни кенгайтириши, экологик онгли ва масъулиятли мутахассисларни тайёрлашда етакчи марказга айланиши шубҳасиздир. Чунки ҳар бир ёш авлод ўз юртига севи ва ҳурмат билан қарashi, ватанпарварлик руҳини юрагидан туйиши лозим. Ватанпарварлик — бу фақат байроғимизга садоқатли бўлиш ёки давлатимизнинг тарихини ўрганиш эмас, балки табиатни асраб-авайлаш ҳамдир. Табиат — бу бизнинг ҳаёт муҳитимиз, келажак авлодларга қолдиришимиз керак бўлган энг қадрли ва катта бойлиқдир. Ёшлар табиатни асрашга масъулият билан ёндашганда, улар ватанпарварликни ҳақиқий маънода ифода этган бўладилар. Ҳар бир сабаз дарахт, тоза сув манбалари ва ҳаво бизга фақат ҳозирги вақтда эмас, келажакда ҳам соғлом ва фаровон ҳаёт қуришда ёрдам беради.

Бухоро давлат техника университетининг ушбу экологик ташаббуслари нафақат университетнинг ўзига, балки бутун мамлакатимизга, ҳатто бутун дунёга глобал экологик муаммоларни ечишда муҳим ҳисса қўшиш учун доимий изланишдадир. Бу йўлда университетнинг фаол иштироки Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти ва экологик соғлом келажак учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Саодат СИДДИҚОВА,  
Бухоро давлат техника университети ректори.



Яшил университетга айланиш орқали олий ўқув юртли кўйидаги жиҳатлар бўйича ўз ролини мустаҳкамлаши лозим:

Барқарор инфратузилма: энергия самарадорлиги юқори бўлган бинолар, кўёш панеллари, ёмғир сувларини йиғиш тизимлари орқали кампуслар экологик жиҳатдан тоза ва тежамкор бўлади.

Атроф-муҳитга масъулиятли бошқарув: ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, карбон изини камайтириш чоралари орқали университет экологик масъулиятини намоён этиши.

Экологик таълим: ҳар бир йўналишда ўқитилган талабалар табиатни асраш, иқлим муаммолари ва барқарор ривожланиш ҳақида чуқур

модели” орқали ОТМлар ўз жамоаси, шахри ва бутун мамлакат миқёсида экологик маданиятни шакллантиришда муҳим роль ўйнаши мумкин. Улар нафақат талабалар ва профессор-ўқитувчилар, балки атрофдаги аҳолининг ҳам экологик онгини оширишга хизмат қилади.

Яшил университет — бу шунчаки замонавий тренд эмас, балки заруратдир. 2025 йил биздан экологик жиҳатдан масъулиятли ва инновацион қарорларни кутмоқда. Ҳар бир олий ўқув юрти ўз инфратузилмасини, таълим тизimini, бошқарувини ва маданиятини экологик мезонлар асосида қайта кўриб чиқиши лозим. Бу эса нафақат бугунги кунни, балки келажак авлодлар учун ҳам соғлом ва барқарор ҳаётни таъминлашга хизмат қилади.

## ҚУТЛОВ



Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki

# QURBON HAYITI

MUBORAK BO'LSIN!

Zamonaviy va qulay  
xizmatlar siz uchun!

www.brb.uz

1254

## ТАДҚИҚОТ

Замонавий таълим тизимида ҳар бир талабанинг ўзига хос эҳтиёжлари, билим даражаси ва қобилиятларини инобатга олиш зарурати ортиб бормоқда. Ҳар бир талаба ўрганиш жараёнида турли тезлик ва усулларда муваффақиятга эришади. Шахсий ёндашувлар ва ўқув жараёнини мослаштириш талабаларнинг ўз имкониятларини тўлиқ очишига ёрдам беради ва таълим сифатини оширади. Шу маънода, дифференциал ёндашувлар замонавий таълим тизимининг муҳим қисми бўлиб, ҳар бир талабага индивидуал ривожланиш имконини беради.

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ:

ҳар бир талабага индивидуал ривожланиш имконияти

Дифференциал ёндашув ҳар бир талабанинг ўзига хос қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўрганиш услубларини инобатга олиб, таълим жараёнини мослаштириш назарда тутилган. Бу ёндашув орқали талабалар ўз имкониятларини тўлиқ очишлари ва таълимдан максимал фойда олишлари мумкин. Талабалар билан индивидуал суҳбатлар, тестлар ва сўровнома орқали уларнинг эҳтиёжлари ва қобилиятлари аниқланади. Бу эса таълим жараёнини шахсга мослаштириш имконини беради.

Дифференциал ёндашув визуал, аудиал ёки кинестетик ўқитиш усулларини қўллаш орқали талабаларни турли ўрганиш услубларига мослаштиришга ёрдам беради. Бу усул талабалар орасида ўқишга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради ва уларнинг масъулият ҳиссини кучайтиради.

Талабаларни гуруҳларга бўлиб, биргаликда ишлашга ундаш орқали уларнинг ижтимоий кўникмалари ривожланади. Бу ҳамкорлик талабаларнинг ўзаро мулоқот қилиш қобилиятини оширади.

Дифференциал ёндашувни қўллаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар таълим жараёнида индивидуал ёндашувларнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Масалан, дифференциал ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда суггестив қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ҳақида тадқиқотлар олиб борилган.

Дифференциал ёндашув индивидуал таълимда талабаларнинг ўзига хос қобилиятларини ривожлантиришга ва таълим жараёнини янада самарали қилишга ёрдам беради. Бу ёндашувни амалга ошириш профессор-ўқитувчилардан ижодкорлик ва мослашувчанликни талаб қилади.

Таълим жараёнида дифференциал ёндашувни қўллаш орқали талабалар ўз билимларини чуқурроқ ўзлаштирадилар, мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожланади ва таълимга бўлган қизиқишлари ортади. Шунингдек, бу ёндашув талабаларда ўз-ўзини баҳолаш ва ўзгаришларга тайёр бўлиш кўникмаларини шакллантиради.

Келгусида дифференциал ёндашувни янада самарали қўллаш учун ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, таълим дастурларини мослаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш зарур.

Зухра НАСИРОВА,  
Чирчиқ давлат педагогика университети мактабгача таълим факультети ўқитувчиси.

СИЙРАТ

Инсоннинг кўнгли кўчмайди, унинг "уйи" вужуддир. Аммо шундайлар борки, танидан кўнгли қаергадир кетиб қолган, ғойиб бўлгандек туюлаверади кишига. Қайта, дерсиз? Буни кўпчилик билди: кўнглидай илохий неъматни ўзига оғдириб олувчи омиллалар кўп бўлган, бугун ҳам бор. Бойлик ва қашшоқлик, амал, шон-шухрат, ҳасад, иғво, бўҳтон, оқибатсизлик, тамагирилик, андишасизлик, ҳаёсизлик каби қора иллатлар бу мўъжизани осонгина умарадилар.

Оқибатли инсон, ёзувчи, шоир ва журналист Абдусайд Кўчимовнинг кўнгли болаликдан бугунгача ўз жойида собит турибди. Бунга каминга ўз ҳаётининг асосий мезони бўлиши бир ижодий жамоадаги хизмат фаолиятим давомида тўла амин бўлганман.

Утган асрнинг 80-90-йиллари орасида қандайдир сабаб билан "Гулистон" журналидан бўшаб, "Тонг юлдузи" ("Ленин учкун") бош муҳаррири Абдусайд Кўчимовга кўнгирак қилдим. "Ака, сизда бирорта бундай ўрин борми?" дедим салом-алиқдан сўнг анча хижолатли оҳангда. "Кимга?" сўради ака. "Ўзимга", деганимдан сўнг рағбатли овоз билан лутф қилди: "Балки телефонда ариза ҳам ёзарсиз, устоз!" (Абдусайд ака катта-ю кичика "устоз" деб мурожаат қилади — бу сўз замирида бировга нисбатан ҳурмат ҳам, енгил юмор ҳам ва ўзига нисбатан камтарона кайфият ҳам мужассам).

Мен Абдусайд акани талабалик давримдан билардим, "Шарқ юлдузи", "Ёшлик" журналларида қисса, ҳикоя ва шеърларини ўқиганман. Аммо шахсан танимасдим. Кейинчалик адабий давраларда кўрдим, "Гулхан" журналинда ишлаётганимда Ургут туманидан ёзилган "Болаларнинг соғлиги керакми, тамакиннинг фойдасими?" деган танқидий мақолам учун раҳмат ҳам эшитганман. Лекин барибир шундай таниқли ижодкор, катта бир жамоани раҳбарлик қилган телефонда иш сўрашим нотўғри эди. Яна ўйлайман: бунга Абдусайд аканинг ўзи сабабини. Доимо очик чехраси, ҳаммага бўрдай хушмуомалалиги, бешқалардан унинг ёш ижодкорларга ғамхўрлигини билганим менга шундай журъат берган бўлса керак.

Хуллас, ишга қабул қилиндим. Редакцияда иш қайнарди. Ўша вақтлари газета минглаб йўқ, юз минглаб нусхада чоп этилар, ходимлардан фақат долзарб мавзуларда мақолалар ёзиш талаб қилинарди. Бир орада бўлишимиз бошлиғи пенсияга чиқди, бошқа ишга ўтди, ҳозир эслолмайман, унинг ўрни бўшаб қолди. Бир неча ой икки ходим раҳбарсиз ишладик. Бир кун тушликка яқин Абдусайд ака кўнгирак қилиб қолди ва мендан ташқарида чиқишимни сўради. Тўшдим. У киши мени кўриб юра бошлади. Беихтиёр эргашдим. "Бирга тушлик қилсак", деди ака бироздан сўнг.

"Анхор" ариги атрофида жойлашган ресторан шайоилидаги таомнага келдик. Овқатланиб, чой ичишга ўтганда, Абдусайд ака мен учун қутилмаган таклиф сирини очди:

— Бўлимларингизга бошлиқ тайинлаб, яна бир ходим олишимиз керак, — деди жиддийлик билан, — Сизни қўяй десам, ёнингиздаги опа (исми-шарифларини айтмай қўя қолай) жамоадагилар орасида гап-сўзни кўпайтиради. Келинг, ўшани қўяйлик. Ҳали яна имкониятлар очилади.

Бу эътибордан ниҳоятда ҳаяжонланиб, дедим:

— Ахир менинг ишга келганимга бир йил

ҳам бўлгани йўқ-ку! Опа эса бир неча йилдан бери ишлайди, тажрибаси ҳам катта.

— Редакцияда раҳбарни нима ранжитади, биласизми? — мавзунини чуқурлаштириб Абдусайд ака. — Қалами йўқларнинг бир гуруҳ бўлиб, ижодий муҳитни бузиб туриши. Хатлар бўлими бошлиғи шундайларга бас кела олиши керак. Мен ўйлайман: опа уларнинг додини беради. Албатта, шу амали беради. Қолаверса, бўлим бошлиғи газетхон билан жамоани бошлаб туради. Ишонманки, сиз ҳам унга яқиндан ёрдам берасиз. Бирорта қобилиятли ўқувчининг ижод намунаси бир четда қолиб кетмас.

Эй Ҳувайдо, сўзламайсан-да амал бор ўлмас.

Каминга Абдусайд Кўчимовнинг барча асарларини ўқиганман деб ўйларканман. Аммо кунга кеча яқинда чоп этилган "Танланган асарлар"и кўлимга теғди-ю, адашганимни билдим. Хуллас, теғда уни ўқишга тўшдим. Биринчи эссе "Мен шоирман, истасангиз шу" деб номланди, сарлавҳа остига "Халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов гурунглири" деб қўйилган.

Эссе тафсилотларига ўтишдан олдин Ҳувайдо байти билан боғлиқ Абдусайд Кўчимов-

гарчиликдан чиқиб мавсуми бўлди, "Душманнинг ҳам академиклари бўлади", "Тарих шундайки, унинг устида жарроҳлик амалиёти ўтказиб бўлмайди. Олис тарихимизга тийран назар ташлаш зарур. Тарихни даврлаштириш, чегаралаш, тарихий шахсларни ҳукмрон мафкура элагидан ўтказиш адолатдан эмас", "Биринчилик учун сен эмас, асаринг курашади", "Кийиклар тошбақаларни чаққонликка ўргатолмайди"... Бундай ёмби каби қимматли мисоллар эсседда жуда кўп.

Айниқса, асарда ватанпарварлик, элпарварлик туйғуси ифодалари кишини ниҳоятда тўлқинлантиради. "Мен Данте асарини таржима қилиш жараёнида Шарқ ва Ғарбда яратилган жуда кўп асарларни ўқидим ва жуда-жуда ҳайратланарли манзараларга дуч келдим, — деб ёзади муаллиф атоқли шоир тилидан, — Данте "Илохий комедия"да тасвирлаган одамлар ҳақидаги тушунча, фараз Шарқдан, тўғрироғи, ватандошимиз ал-Фарғонийдан олинган экан". Мазкур маълумот қанчалик адабий бўлмасин, шу қадар илмий аҳамиятга ҳам эгадир. Бир давра суҳбати тафсилотида Абдусайд



яқини томонидан уларга бағишланган мақолалардан иборат китобларга киритиларди. Масалан, Абдулла Орипов умрининг сўнги кунлари Америкадан Абдусайд акага кўнгирак қилиб, нашриётда томликларни тайёрлаётгани, унинг ташкилотчилари Бегимқул билан Алишер Назарга зудлик билан учрашиши кераклиги, ўзига бағишланган "Мен шоирман, истасангиз шу" номли эссеси қолиб кетмаслигини тайинлаган. Бошқа ижодкорлар ҳам шундай қиларди. Кейин бундай ҳайбатли кўринишдаги китобларда жуда кўп атоқли ижодкорларнинг асарлари киритилган. Бундай имконият улар қаторида Абдусайд акага ҳам насиб этган экан, нега унга бадиий асарларнинг энг сараларини жамламай, асосан 2012 — 2016 йилларда ёзган хотира, бағишловларга ўрин берди? Ҳатто маърифатли, самимий ва содда кишлоқдошлари ҳақидаги мақолалари ҳам қўшилди. Бу ҳаммада ҳам топилмайдиган бир фазилат бўлиб, адабиётга — устозлари, сафдошлари, элдошларига бўлган чексиз ҳурматдан далолат. Муаллиф бежиз "Сафар" бадиасида Жалолдин Румийнинг:

Аё сиз, жонланиб ҳар лаҳза изларсиз илохийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ,  
илохий — сиз, илохий — сиз,  
— байтини келтирмаган.

Мақола бошлангичидаги, ҳар бир инсоннинг исми илмдир, деган фикрга асосланиб айтиш мумкинки, Абдусайд ака учун кўнглидан ўрин олганларнинг номи, шаъну шавкати илм янглиғ муборақдир.

Кейинчалик кўп йиллар Ўзбекистон радиоси, телевидениесида ишбилармонлиги қадар талабчан, жамоаларда адабий-маърифатий йўналишда жуда кўп хайрли ишлар қилган зукко раҳбар, шоир, ёзувчи ва журналист Абдусайд Кўчимов раҳбарлиги остида ишладим. Шеърини, насрий асарларини ўқиб тушунадиган бўлишим. Бу фаолият, адабнинг адабий дунёсини кузатиш менга ёрқин, унутилмас таассуротлар уйғотган. Айтмоқчиманки, мазкур "дебоча"нинг давоми бор.

Бугунги кунда гарчи Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, сенатор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими бўлса-да, устоз Абдусайд Кўчимовда ўша-ўша оддийлик, самимийлик зарра қадар ўзгармаганига хайрон қоламан. Билганим шуки, улуг устозлар чиндан ҳам ўзгармас бўлишар экан...

Илҳом АҲРОП

# Ҳаётнинг кўнгли

лиги керак. Ўн-ўн беш йиллар олдин шундай бир ўқувчининг мақоласини ишлаб чоп этишга тавсия этганман. Газетанинг йиллик мукофотини олди. Бош муҳарриримиз Сўҳроб Йўлдошев менга Сўҳроб туманига бориб, ёрлиқни топшириб келишга юборди. Борсам, ўқувчи пахта йиғим-теримида экан. Райком вакили билан далада йиғин ўтказиб, унга ёрлиқни топширганман. Уша ўқувчи кейинчалик Самарқанд давлат университетига ишлаб, олим, ёзувчи даражасига етди. У ёзувчи Аҳад Ҳасаннинг ўғли — Илҳом Ҳасан эди. У автоҳалокат туфайли жуда эрта вафот этди. У академик бўлгулик салоҳият соҳиби эди. Раҳматли Тошкентга келса, мени кўрмасдан кетмасди.

Кўп ўйлайман: ҳаётда раҳбарнинг ходими га тўшлик олиб бериши бошқа қандайдир мақомларда учрар, аммо бунчалик дилгирлик даражасига жуда кам бўлса керак. Таомнадаги суҳбатда Абдусайд аканинг ўрнига бошқа кибрилли бир одам раҳбар бўлганда, аввало, ўзимга тушлик олдирадди, "Агар яхши ишлаганингизда, бўлимга опа эмас, сиз раҳбар бўлардингиз", дея таясир ўтказар, камситарди. Ундайларнинг кўнгли ҳаммаша тама томон "кўчиб" туради. Кейинчалик бундайларга кўп дуч келдим.

Бу ҳолатнинг акси ўлароқ, аслияти пок, ниҳоятда меҳрли, жуда кўп устозларнинг дуосини олган, жуда кўп ёш ижодкорларга акаларча ғамхўрлик қилгани, иш билан таъминлаган, ўз амали билан ибрат бўлган Абдусайд аканинг кейинчалик қайси асарини ўқисам, кўз ўнгимда устознинг ёруғ чехраси намоён бўлади.

2

Хазрат Алишер Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарига Куръони каримнинг бир қисмига асосланиб: "Барча одамларнинг номлари илмдур", деб ёзади. Бинобарин, инсоннинг номида уни қўйган одамнинг дунёқарашини, эътиқодини, маърифатини намоён бўлиб туради. Дунёқараш, эътиқод, маънавият эса илм орқали шаклланади. Шу маънода тугилиш — бир савол. Боланинг номига муносиб бўлиб улғайиши, улғайганда айтган ҳар гапига, аввало, ўзи амал қиладиган бўлиши ўша саволга жавобдир.

Аввал ўзинг қил амал,  
сўнгга насиҳат элга де,

ТАЛҚИН

Атрофимизга бир назар солсак, сўнги йилларда кўп сонда дунё мултоқ бошқача тус олганига гувоҳ бўламиз. Бунинг сабаби одамзод шундай нарсаларни кашф қилдики, юз йилни қўйинг, 20-30 йил аввал ҳам бугунги нарсалар бир эртадек туюлган. Айниқса, сўнги интеллект ихтироси яшаш тарзимизни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бу кашфиёт шу даражада ақллики, худди инсонлардек маълумотларни эслаб қолиш ва қарор қабул қилиш хусусиятига эга бўлиб бормоқда. Бугунги кунда сўнги идрокка ҳар томонлама боғланиб қолганимиз, унга муҳим топшириқларни бериш орқали вақтимиз анчагина тежалмоқда. Авваллари компьютерни ёки телефонни интернетсиз ишлата олмаганимиздек, яқин келажақда сўнги интеллектсиз ҳеч қандай амаллар бажара олмаймиз деган қарашлар бор.

Сўнги йилларда сўнги интеллект биз учун маълумотлар базаси, устоз ва ҳаттоки шифокорлик вазифаларида хизмат қилмоқда. Албатта, бу бир неча вазифалар, холос, лекин уларнинг саногии жуда ҳам кўп ва йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирда сўнги идрок ёрдамида яратилаётган одамсимон роботлар ва ўзи юрар машиналар бир қадар оддий ҳолга айланиб бормоқда. Кундан-кунга янги-янги ихтиро қилинаётган бундай технологиялар инсонлар яшаш тарзини янада қўлай қилишга ўз ҳиссасини қўшаётгани бор гап. Масалан, ҳаммамиз фойдаланаётган "ChatGPT" бунинг энг ақлли ёрдамчимизга айланган. Ундан ҳар қандай маълумотни сўрасак, бизга турли сайтлар ва манбалардан фойдаланиб, уни таҳлил қилиб, беминнат тақдим қилади. Бу ҳамма учун маълумот ва кундалик ҳаётда кенг қўлланилмоқда. Аммо бир савол туғилади: сўнги интеллект барибир сўнги, у инсоният учун хавф туғдирмайди?

Савол устида мулоҳаза қилишдан олдин, сўнги интеллект тарихига бир оз тўхталсак. Ушбу атама биринчи бўлиб 1956 йили Жон Маккарти томонидан ишлатилган ва тана шу йилдан бошлаб сўнги интеллект тақомиллаш бошлаган. Аммо 70-80-йилларга келиб бу кашфиёт ривожланишдан тўхтаган. Сабоби, ўша даврда ҳар бир компьютер дастури алгоритмлар асосида ишлаган, дастурчи ёзган буйруқлар ва алгоритмлар чегараланган


бўлиб, бу сўнги идрок учун ўзи ўрганиш имкониятини тақдим этмаган. Бошқа томондан эса технологиялар ҳозиргидек ривожланмаган ва маълумотлар базаси ҳам катта эмас эди. 2000-йилларга келиб, сўнги интеллект яна тараққий эта бошлади, лекин бу сафар янгича ёндашув билан, яъни катта ҳажмидаги маълумотларни тизимга киритиш орқали уни янада кучлироқ даражага кўтаришди. Бу ри-

жаҳон чемпиони Ксие Жинг ҳамда ёшлар чемпиони Гу Бовен билан ўйнаган ("China Daily" расмий сайтдан). Бугунга келиб, дунё олимлари сўнги интеллектни энгадиган шахматчи йўқ деб айтишмоқда. Бундан кўриниб турибдики, у инсонлардан ҳам ақлли бўлиб бормоқда. У бунга қандай амалга оширади? Биринчи бўлиб, унга барча ўйинларни кўриб чиқиш буйруғи берилади. Бу амални одам

"ChatGPT"). Энг ҳайратланарлиси, "қора қут" ичида нима бўлаётганини ҳеч ким билмайди. Буни бартараф этиш учун шу йили "изохлаш" ("reasoning") қисми киритилди, лекин мутахассисларнинг айтишича, бу ҳам ичкарида тўлиқ бўлаётган жараённи очиб бера олмас экан, демак, бу муаммага ечим бўлмаган. Бунинг нимаси кўрқинчли дейишигиз мумкин. Кўрқинчли тарафи шундаки, агар сўнги интеллект ўз истаги билан қарор қабул қилиш даражасига қисса, унга боғлиқ барча нарсани инсонлар учун хавфли бўлиши мумкин. Масалан, тақомиллашиб бораётган сўнги интеллект роботлари ўз хоҳиши билан ҳаракатланиши бошлайди. Албатта, бу бир фантастик кинога ўхшаб туюлади, аммо бу нарсани содир бўлиши эҳтимоли мавжуд. Буни тасдиқлаш учун дунё олимларининг фикрини кўриб чиқсак. Жеффри Хинтон (Geoffrey Hinton) 1978 йилда Эдинбург университетига сўнги интеллект бўйича докторлик диссертациясини химоса қилган, 2024 йилда эса физика йўналишида Нобель мукофотини қўлга киритган ҳамда "Google" компаниясининг собиқ ходими бўлган. Умумий қилиб айтганда, сўнги интеллект мутахассиси бўлган бу шахс "CNN"га берган интервьосида сўнги идрок одамлардан ҳам ақлли бўлиб, келажақда катта хавф туғдирishi муқаррарлигини таъкидлаган.

Агар сўнги интеллект хавфли бўлса, уни ривожлантирмадик керак, шундай эмасми? Афсуски, бунинг иложи йўқ, чунки ҳозирда дунёда сўнги интеллект пойгаси кетмоқда. Кимда энг ақлли бўлса, ўша кучлироқ деган қарашлар бор. Юқорида, асосан, унинг хавфлари ҳақида сўз юритдик. Албатта, одамзод томонидан яратилган бу ақлли технология зарарли деб бўлмайди, юқорида айтганимиздек, бизга кўп фойда ҳам келтирмоқда. Айниқса, илм-фан, тиббиёт, келажақдаги табиий офатларни аниқлаш ва ижтимоий ҳаётдаги бажарилиши қийин бўлган ишларни бир зумда бажаради. Хўш, нима қилмоқ керак? Кўплай баҳс-мунозаралардан сўнг, дунё олимларининг кўпчилиги сўнги интеллектни янада чуқурроқ ўрганиб, тадқиқотлар қилиш ҳамда уни яратиш ва ишлатиш бўйича қонунлар жорий қилиниши муаммага ечим бўлади, деган хулосага келишмоқда. Бундан шунини аниқлаш мумкинки, ривожланаётган ҳар қандай технологияга бефарқ бўлмаслик, аксинча, уларни янада чуқурроқ ўрганиш ёрқин келажақни кафолатлайди.

Ҳумоюнбек ҲОШИМЖОНОВ,  
Ўзбекистон давлат тиллари  
университети талабаси.



## Сўнги интеллект Инсоният учун хавфлими?

вожланиш инглиз тилида "машинавий ўрганиш" ("machine learning") деб аталади. Энди компьютерда ўзи ўрганиш хусусияти пайдо бўлди, яъни маълумотларни эслаб қолиш ва қарор қабул қилиш қобилиятига эга сўнги идрок яратилди. Бу инсоният тарихида буюк бир кашфиёт бўлди. Энди бу ихтиро бизга тенглашадиган даражада ақлга эга бўлиб бормоқда. Қандай дейсизми? Мисол учун, аввалги чегараланган алгоритмлар асосида яратилган сўнги идрок одамларни шахматда енга олмаган. Лекин 2022 йилда "SenseTime" компанияси томонидан ясалган "SenseRobot" номли СИ (сўнги интеллект) роботи икки профессионал хитойлик ўйинчини мағлубиятга учратган. Бу ўйин Шанхайда жонли эфирда бўлиб ўтган, Хитой шахмати ("xiangqi") бўйича


каби секин бажармайди, бир неча сонияларда удалайди. Сўнгга ўзи билан ўзи шахмат ўйнашни бошлайди. Бу ҳам жуда қисқа вақтлар ичида содир бўлади ва бу жараёнда ўзи учун миллионлаб алгоритмларни тузиб олади, шу тариха барчасини ўрганиб чиқади. Энди юқоридаги саволга тўхталсак: "Сўнги интеллект қандай ишлайди?" Бунинг соддашатирилган талқинини кўриб чиқамиз. Тасаввур қилинг, бир "қора қут" бор ва унинг ичига миллион-миллион маълумотларни киритгансиз. Шу "қора қут" ичида маълумотлар тўпланади, таҳлил қилинади ва номлаб бўлган амаллар бажарилиши ҳолда жавоблар тақдим этилади. Бу жараён асосан "чуқур ўрганиш" ("deep learning") дастуридаги сўнги интеллектда содир бўлади (масалан,

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

**ЭЪЛОН**  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими,  
"Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда" газеталари таҳририяти Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида 2025 йил 15–22 август кунлари Тошкентдаги "Фото уйи"да "Ўзбекистон – Хитой: ШҲТ доирасида ҳамкорлик" мавзусида фотоқўرғазма ва танлов ўтказайди.

Юртимиздаги барча фотожурналистлар иштирок этишга таклиф қилинади. Фотоқўрғазма ва танловда иштирок этиш учун 2025 йил 1 августга иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзбек-хитой ҳамкорлиги самараларини акс эттирувчи камида 5 та электрон фотосурат тақдим этиш лозим. Ҳайъат танлаб олган фотосуратлар 15–22 август кунлари Тошкентдаги "Фото уйи" кўрғазма залида намойиш этилади. Ғолибларни тақдирлаш маросими 15 август кунги, фотоқўрғазма очилишида бўлиб ўтади. Ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади:  
1-ўрин – 1 нафар иштирокчи  
2-ўрин – 2 нафар иштирокчи  
3-ўрин – 5 нафар иштирокчи  
Фотосуратлар ва муаллиф ҳақидаги маълумотномалар қуйидаги "Telegram" рақамига юборилиши сўралади: (88) 005-19-51  
**ТАШКИЛИЙ ҚҮМИТА.**





ФИКР

# Бойларнинг маънавий масъулияти

Китоб чоп қилиш ўртача ойликка ишлаётган одам учун оғирлик қилиши сир эмас. Уша тўпламдаги ижодий ишларни тарғиб қилишни эса муаллифлар кўпинча ўзларига эп қўришмайди. Шундай пайт ижодкорни ким қўллаб-қувватлайди?

Тўғри, бу бўйича масъул ташкилотлар бор. Лекин уларнинг кўллари барча ёзарманни бағрига босишга етмас керак.

Хўш, унда бу масъулиятни ким елга олиши керак, сизнингча? Шу саволга жавоб излаб кўрдим. Бунга эса қуйидаги воқеа сабаб бўлди.

Бир куни пойтахтда ижод қиладиган дўстим телеграм орқали яқинда китобим чиқиши мумкинлиги, бир адабиёт ҳомийси ўз ҳисобидан менга ўхшаган етти нафар ижодкорнинг китобини чиқариб, асарларимиз асосида танлов ташкил қилиш фикрини билдирганини айтиди. Хушхабар билан табриклади. Бошида ҳайрон қолдим. У ҳомийни танимасам, нима учун каттагина маблағни совуряпти? Дўстим ўша яхши киши доим тоғланнинг бир қисмини адабиётни тарғиб қилишга сарфлашни айтиди. Барчаси ҳолис, у ҳатто ҳеч ерда номи айтилишини ҳам истамас экан. "Шунақа одамлар ҳали борми?" — дедим ҳайрон бўлиб.

Ҳа, бойлик омонат эканини, унинг масъулияти борлигини англаган инсонлар ҳали ер юзиде бор экан. Шунда ўйлаб қолдим, шу учун ер бизни кўтариб турибдимикан? Ёки ана шундай ҳолис саховатпешалар боис осмон устимизга тушиб кетмайлмики?..

Қизиги, кўллаб бойларимиз ўз мол-дунёларини ижтимоий тармоқда кўз-кўз қилишни яхши кўришади. Ҳа-шамдор рестороанлар, чет элларга борганлари билан бошқаларни қойил қолдиришади. Хўш, унда биз-

нинг китобларни чоп қилган, асарларимиз асосида тақриз, аудиотанловларни ташкил қилган одамда нафс йўқ эканими? Ёки у бошқа сайёраданми-а?

Бугун жадид боболаримиз қилган ишларни айтиб бонг урамиз. Нимага ана шу инсон сингари бобокалонларимиз қилган хайрли амалларни бажармаймиз? Агар ҳар бир бой ўзининг бойлигида қайсидир илм кишиси ёки йўқсининг ҳақи борлигини ҳис қилса, юртимиз қанчалар гуллаб-яшнард!

Сўзим якунида жадид бобоимиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1913 йил, 30 июлда "Самарқанд" газетасида чоп қилинган "Миллатлар қандай тараққий этарлар?" мақоласидан иқтибос келтиришни жоиз деб билдим. "Рус, армани, яҳудий ва Руссиядаги бошқа ет-тан дошларимизни(не) бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эҳсонлар қиладурлар. Инчунин, Кафказ, Қрим, Қозондаги мусулмон биродарларимизни(не) бойлари, уламози ва аҳли қалами, соҳиби фикри ўз биродарларига мол, ақча, қалам ва илм ила куб иона қиладурлар. Аммо бизни(не) Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа ҳануз навбат келган йўқ. Ҳар ким ўз нафи ва ўз шахсий иши ила сарғардон..."

ЎЗБЕКИСТОН — она Ватанимиз, деҳқончасига айтганда, уйимиз. Ватан — катта оила. Оилада фарзандлар ҳар хил бўлади. Бир топармон-тутармон, бошқаси сал бундайроқ. Агар улар аҳил бўлиб, муштни бир ерга урса, оила гуллаб-яшнайд. Бой ака толиби илм укасининг ўқишига ёрдамлашса, кун келиб, у ўз илми билан нур-зиё олиб қиради оилага. Мамлакатимизни энг ривожланган юртлар қаторига қўйишнинг ягона йўли — фақат ва фақат илм. Биз учун илмдан бошқа нажот йўқ.

Обид ҚўЛДОШ

МУЛОҲАЗА

# ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ КЎПАЙСА...

Шу юртинг фарзанди сифатида мамлакатимиз ҳаётидаги кенг кўламли ислохотларга бефарқ қараб туриш имконсиз. Айниқса, таълим соҳаси вакили сифатида ёшлар тарбияси ва уларнинг камолоти билан боғлиқ масалалар доимо диққат марказимизда. Жорий йил 15 май куни Президентимиз раислигида ўтказилган мактаб таълими юзасидан видеоселектор йиғилишида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ва илгари сурилган ташаббуслар нафақат таълим соҳаси вакиллари, балки бутун жамиятимиз учун дастуриламал бўлгулик аҳамиятга эга.

Мазкур йиғилишда ёш авлоднинг бўш вақтини фойдали ўтказишни таъминлаш мақсадида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, 900 га яқин театр, маданият марказлари ва концерт заллари, ҳудудлардаги 1,5 мингга яқин спорт майдончалари, 200 та оромгоҳ ҳамда 2 мингдан ортиқ туризм объектларининг салоҳиятини бу борада тўлиқ ишга солиш кўзда тутилаётгани эътиборга молик. Бу рақамларнинг ўзиёқ ушбу масалага нечоғли жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Бу, шубҳасиз, ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун мисли қўрилмаган имкониятлар эшигини олади.

Мутасаддиларга жойлардаги амфи-театр ва сайилгоҳларда ҳар куни концерт ва мусиқа кечалари уюштириш, маданият ва истироҳат боғларида санъат курғазмалари, шеърят кечалари ва интеллектуал ўйинлар ташкил этиш юзасидан берилган топшириқлар маданий ҳаётимизга айрича кўрк бағишлаши билан аҳамиятли. Пойтахтимиздаги "Янги Ўзбекистон" боғи ва бошқа истироҳат масканларида ҳар куни очик осмон остида концертларнинг ташкил этилиши эса маданият ва санъатнинг халққа янада яқинлашувини, унинг кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланишини таъминлайди. Бундай тад-

бирлар ёшларнинг эстетик дидини тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурматино оширишда муҳим ўрин тутаети. Зеро, санъат ва маданият инсон руҳиятига энг кучли таъсир этувчи воситалардан биридир. Мунтазам ўтказиладиган шеърят кечалари ёшларни сўз санъатига ошно этаети, уларнинг нутқ маданиятини бойетаети, бадий тафаккурини ўстираети. Интел-



лектуал ўйинлар эса уларнинг зехнини чархлаб, манткий фикрлаш қобилиятини ривожлантираети, билимга бўлган интилишини кучайтираети.

Бу борадаги ишларнинг кўлами нафақат маданият ва маърифат, балки спорт соҳасини ҳам қамраб олаётгани ва 6 миллион нафар ёшни жалб этиш мақсад қилиб қўйилгани, айниқса, таҳсинга сазовор. Оммавий спортнинг ривожланиши ёшларнинг саломатлигини мухташамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, зарарли одатлардан йироқ бўлишни таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга. Минглаб майдончаларнинг ҳудудларда барпо этилиши чекка-чекка жойлардаги ёшларнинг ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замин яраети. Спорт нафақат жисмоний чинқиш, балки иродани тоблалаш, мақсад сари интилиш, жамоавий-

лик руҳини шакллантириш каби муҳим сифатларни ҳам тарбиялаети. Бу эса ўз навбатида, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашаети.

Икки мингдан ортиқ туризм объектлари имкониятларидан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда фойдаланиш режаси ҳам эътиборни торетаети. Бу, бир томондан, ёшларнинг ўз юрти тарихи, маданияти, бетакрор та-

учун соҳа мутахассисларининг, тажрибали педагоглар, психологлар, санъатшунослар ва спорт усталарининг жалб этилиши мақсада мувофиқдир. Шунингдек, бу тадбирларнинг формал тус олиб қолишига йўл қўймаслик керак. Асосий мақсад — ёшларнинг чинакам қизиқишини уйғотиш, уларни фаол иштирокчига айлантиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, бу имкониятлардан барча ёшлар, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган ёшлар ҳам тенг фойдалана олишини таъминлаш муҳим. Маданий-маърифий ва спорт иш-шоотларининг жойлашуви, уларга бориш имкониятлари, тадбирларнинг ўтказилиши вақти каби масалалар ухтга ўйланиши керак. Балки, айрим ҳолларда махсус транспорт қатновини йўлга қўйиш ёки кўча маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш зарурати ҳам туғилар.

Учинчидан, бундай улкан лойиҳаларнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳам долзарбдир. Мавжуд инфратузилмани сақлаш, уни доимий равишда янгилаб бориш, тадбирларни молиялаштиришнинг ишончли механизмларини яратиш лозим. Бунда давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда ҳомийлик, ижтимоий шериклик каби манбалардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Айниқса, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳим.

Шунингдек, бу жараёнларда ёшларнинг тақлиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш гоат муҳим. Тадбирлар "юқоридан пастга" тамойили асосида эмас, балки ёшларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, улар билан ҳамкорликда ташкил этилса, самардорлик бир неча баробар ошаети. Ёшлар ўзлари иштирок этган, ўзлари ҳисса қўшган лойиҳаларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашадилар.

Моҳир ХАЛИМОВ,  
Низомий номидиган  
Ўзбекистон миллий педагогика  
университети доценти.

ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР



# ҚУРБОНЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ

Аллоҳ таоло розилигини истаб қурбонлик қилиш аслий эҳтиёжидан бошқа моли кумуш нисобига етган мусулмонларга вожибдир. Ана шундай микдорда моли бўлиб, қурбонлик қилмаган одам жуда кўп манфаатлардан маҳрум бўлади.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиладди: "Бас, Раббингиз учун намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг!" (Каесар, 2).

Қурбонлик қилишдан мақсад банда ўзининг Аллоҳ амрига итоатини, тақвосини намоеён этишдир. Аллоҳ таоло банда сўйган ҳайвоннинг гўштига ҳам, қонига ҳам муҳтож эмас: "Аллоҳқа (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли — У зотни улуғлашларингиз учун — уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!" (Ҳаж, 37).

Банда Аллоҳқа қанча ибодат қилса ҳам оз. Чунки биргина ҳидоят неъматининг шукрини қанча ибодат қилса ҳам адо этолмайди. Қурбонлик қилиш Аллоҳ таолонинг амрини адо этишга банданинг тайёр эканини кўрсатади ва тўғри йўлга ҳидоят қилгани учун Аллоҳ таолога шукр этиш бўлади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Кимки қурбонликни дили хурсанд ва савоб умидида қилса, у (қурбонлик) унинг учун дўзахдан парда бўлади", дедилар (Табароний ривоят).

Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) "Эй, Фотима, тур, қурбонлигингга гувоҳ бўл. Чунки қурбонлик қилини биринчи қатраси (томчиси) томиши билан ўтган гуноҳларинг мағфират қилинади", дедилар".

Абу Саъид (розияллоҳу анҳу) айтаети: "Эй Аллоҳнинг расули, бу фақат Муҳаммад оиласи учун хосми ёки барча мусулмонлар учунми?" деб сўрадилар. У зот: "Муҳаммад оиласи ва барча мусулмонлар учун", дедилар".

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Ёш, навқирон, қабувват жониворларни қурбонлик қилинглар. Чунки улар (қиямат куни) сирот устидаги уловларингиздир" (Талхийсул хабийр). Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) Пайгамбаримиз (алайҳиссалом)дан ривоят қиладилар: "Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Кимки қурбонлик қилиш учун бозорга борса, Аллоҳ субҳонаху ва таоло унинг ҳар бир қадамига ўнта савоб ато этаети ва гуноҳларини афв этаети. Қурбонликни савдо қилаётган вақтида, унинг ҳар бир айтган сўзини тасбеҳ сифатида қабул қиладди. Қурбонлик учун берган ҳар бир дирҳамга етти юз баробар савоб беради. Қурбонликнинг ҳар қатра қонидан ўнта фариштани яраети ва улар қияматгача у банда учун истиғфор айтаетилар. Қурбонлик гўштининг ҳар луқмаси учун Ис-

моил (алайҳиссалом) фарзандларидан бир қулни озод қилгандек савоб берилади", дедилар".

Қурбонлик қандай ҳайвонлардан қилинади?

Қурбонлик уч хил ҳайвондан қилинади: 1. Қичик мол (қўй, эчки); 2. Қорамол (сигир, ҳўкиз, кўтос); 3. Туя.

Эчкининг бир ўшлиси, қўйнинг бир ёшга тўлгани ёки 6 ойлик бўлса-да, бир ёшлидай семириб, катта бўлгани қурбонлик қилинади.

Туя камида 5 яшар бўлиши, қорамол эса камида 2 ёшга тўлган бўлиши керак. Ушбу ҳайвонларнинг эркагини ҳам, ургочсини ҳам қурбонлик қилиш жоиз. Агар қурбонлик қилинадиган ҳайвонларда шу шартлар бўлмаса ёки жониворнинг бирор аъзосида нуқсон бўлса ёхуд қўлоқ бўлиб, қурбонлик қилишга ярамаса, бундай жониворларни қурбонлик қилмаган маъқул.

Қўй ва эчки қанчалик катта бўлмасин, фақат бир киши учун қурбонлик қилинади. Қорамол ва туя етти ва ундан кам кишилар учун сўйилади. Қиймати тенг бўлса, бир қўй сўйиш бир қорамол ва бир туянинг еттидан бириддан афзалдир. Агар йирик ҳайвон (туя ва қорамол)нинг еттидан бири қийматлироқ бўлса, у афзалдир.

Аллоҳ таоло барчага қилинадиган қурбонликларининг ажрини ато этсин. Қурбон ҳайити халқимизга муборак бўлсин!

Манбалар асосида  
Ўрол МУСТАНОВ тайёрлади.

ТААССУФ

Қишининг сўнгги кунлари. Ҳаво ўзига хос шўх ва уятчан қизларнинг ноз-қарашмасини эслаети: на иситади, на совиаети. Тошкент марказидан бирига йўл оларканман, қиш совуғида пишқириб, оғзидан буғ пурқаб турган оқ отларга қўзим тушди. Олдида эса уларни эгарлаётган ёш йигитлар ва отга миниш иштиёқида навбатда турган қизлар. Агар сиз шунчаки отларни силашдан завқ оладиган инсон бўлсангиз, бу манзара юзингизда табассум уйғотиши табиий эди. Лекин мен чавандоз кўзи билан қарарканман, отларнинг ҳозирги аҳволини кўриб, ачиниб кетдим.



# ОҚ ОТЛАРНИНГ ҚОРА ТАҚДИРИ

Шу ўринда инсоннинг энг қадимги беминнат ёрдамчиси бўлган отлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Маълумотларга кўра, отлар илк бор Марказий Осиё ва Европа ҳудудларида хонақилаштирилган бўлиб, минг йиллар давомида инсоннинг яқин дўстига айланган. Уларнинг турли зотлари мавжуд: араб отлари тезликда тенги йўқ, қирғиз отлари кучли, Ахалтекин ва Фриз зотлари эса ўзининг гўзал қиёфаси билан ажралиб туради.

Отлар ҳам худди бошқа жонотлар сингари феъл-атворга эга. Биз отларнинг зотиға қараб — спортда, кучига қараб — транспорт ва қишлоқ ҳўжалигида, хислатларига қараб — гипотерапияда фойдаланамиз. Шу боис отлар баракали ва фойдали жонот сифатида тилга олинади.

Буюк муҳаддис олим Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисга кўра, Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Отларнинг пешонасида қияматга барака ва яхшилик боғланган", — деганлар. Аммо, афсуски, жамиятимизда жонотларга нисбатан муҳаббатдан кўра бепарволик кўпроқ учрайд.

Тошкент шаҳридаги "Magic City" кўнгилочар боғида хизмат қилаётган оқ отлар ҳам шундай безътиборлик қурбони, назаримда. Кун давомида уларнинг аҳволини кузатиб, шундай хулосага келиш мумкин. Агар диққат билан қарасангиз, бу отлар кўчада болалар томонидан турли овқат қолдиқлари ва бодроқлар билан озиқлантирилади, эгалари эса уларни фақат пул топиш воситаси сифатида кўради. Ахир отлар ҳар қандай егуликни ейдиган чўчка эмас-ку!

Кузатувим давомида яна бир аянчли ҳолатнинг гувоҳи бўлдим: от олдиға сочлари икки ёниға ёйилган, эҳтимол, умрида отга яқинлашмаган нозик табиатли қиз келди. У отга минишга уринаётганида, жонивор ундан ҳайқириб, ортга тисланди. От эгаси — укувсиз йигит эси жониворни аёвсиз калтаклаб, ўзинча танбеҳ берди: "Шундай қиз сени минаман дейди-ю, сен ноз қиласанми, ҳайвон!" Аслида, бу ерда ягона "ҳайвон" от эмас, айнан ўша йигит эди.

Мен бу ҳолатга жим қараб тура олмадим. Жониворга озор бермаслигини талаб қилдим, эвазига "Ишингиз бўлмасин, пулини олдимми — миндиришим керак", деган ҳақоратли жавобни эшитдим.

Ёдимга бир воқеа тушди. Уйимизга янги от келганида, уни минишга ҳолланганди, от мени тишлашга уриниб, ўзига яқинлаштирмади. Шунда бобом: "От сени ҳушламади. У сени истамаса,

мажбурлай олмайсиз. Уни ўзингга ўргатмагунча минма", деган эдилар.

Савол туғилади: қачон биз отларнинг феъл-атворини тушуниб, уларни зўрлаб эгарлашдан воз кечамиз? Ахир отлар шаҳар ҳаётида юзлаб одамларни миндириш ва эвазига бир сиким бодроқ еб яшаш учун яратилган мавжудотлар эмас-ку!

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-вобларлик тўғрисидаги кодексининг 111-моддасида "Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни уларни ғаразли ёки бошқа ниятларда қийноққа солиш ёки уларга азоб бериш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик воқеа етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса ёки ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади", деб ёзиб қўйилган.

От — нафақат улов вазифасини бажарувчи восита, балки тирик, ҳиссиётли жонотдир. Афсуски, бугунги жамиятда отларга нисбатан безътиборлик, ҳатто шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш ҳолатлари кам учрамайпти. Кўнгилочар болларда ёки тўй-маросимларда пул топиш воситасига айланиб қолган бечора отлар мисолида бу ҳолат яққол кўзга ташланаётгани ҳақида юқорида ҳикоя қилдим. Бундай вазиятда фақат ҳайвон эмас, балки инсонийлик, меҳр-шафқат туйғулари ҳам жабр кўради. Шу боис, жамиятда отларга ва бошқа ҳайвонларга инсоний муносабатни шакллантириш, уларни ҳимоя қилувчи қонунарни фақат қозғода эмас, амалда ҳам таътиб этиш вақти келди. Энг аввало, от эгалари ва шу соҳада хизмат кўрсатаётганлар учун ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия ишларини қучайтириш, жониворларга шафқат ва етарли парваришини таъминлаш масаласи долзарбдир. Чунки жонотга раҳми келмаган одамнинг инсонга ҳам раҳми келмайди.

Хилола ОДИЛОВА,  
ЎзДЖТУ халқро журналистика  
факультети 2-курс талабаси.

ТААССУРОТ

Одатда, эртақлар "... мурод-мақсадига етибди", деган жумла билан тугайди. Бундай ижобий мазмундаги хулосалар билан тугайдиган бадиий асарлар ҳам кўп. Уларнинг ҳам адабиётда ўз ўрни, салмоғи, аҳамияти бор, албатта. Ҳуқуқчилик завқлантиради, илҳомлантиради, боринги, яхшиликка етаклайди. Бу мазмундаги асарларга ҳурматимизни сақлаган ҳолда жавобсиз саволларга бой, ёзувчи ўртага ташлаган жумбоқ билан бир мuddат яшага мажбур қиладиган асарларнинг қиймати баландроқ кўринади. Яқинда мана шундай зўр бир ҳикоя ўқидим. У "Бир кишилик авиаҳалоқат" деб номланади.

# ҚАЙРОҚТОШ

нет-роман" бошланади. Искандар турли сабабларга кўра, маҳбу-басига дил розини изхор қилолмайди. Садаф ҳам тақдирга тан бериб, ўзидан ун етти ёш катта, хотини ўлган, Россияда юрган меҳнат муҳожирига турмушга чиқади. Йигит ҳамқишлоғи, бир томондан қариндоши Яхшигулга уйланади. Бир қарашда ҳаммаси рисолада битилганидек. Гоҳо Садаф эсига тушиб, юраги орзиқиб кетишини ҳисобга олмас, дунёда Искандардан бахтли одам йўқдек эди.

Аммо бир сафар Ушдан Тошкентга учаётган йўловчилар орасида унинг собиқ муаллимаси ҳам бор эди. Электрон сигарет чекишини айт-маса, Садаф деярли ўзгармаган эди. Шу тариқа, бахтга қарши, улар яна учрашиб қолади-лар...

Ҳикоя шундай давом этади: Ҳар қалай, Искандарнинг қалбида зигирдек бўлса-да, инсоф сақланиб қолган экан, Садаф, яхшими-ёмонми, бир бечора мусофирнинг хасми эканини ўйлаб, виждони қийналди. Аммо Садаф бир оғиз гап билан унинг кўзини мошдек очиб қўйди.

— Раҳминг келяптими? — деб сўради маҳбу-бининг кўнғироқ сочларини силаб ётаркан.

— Ҳа, — деб чин дилдан икror бўлди Искан-дар.

— Агар у сенинг ўрнингда бўлганида, сенга раҳм қилармиди? — Билмадим.

— Хотин керак бўлса, уч йилда лоақат бир марта келмасмиди? Нима, ўйлайсанки... Кўн-лингнинг тўқ қилавер, ҳойнаҳой, биронта Маша-ними, Дашаними топиб олгандир.

Садаф чиндан ҳам Искандарни яхши кў-ради. Йўқса, аэропортнинг тиббий кўригига ишонмасдан, унинг қон босимию ҳароратини ҳар гал ўзи қайта-қайта ўлчармиди? Кители-нинг кўкрак чўнтагини турли дори-дармонлар билан тўлдиришни қанда қилмасди. Бунга жа-вобан Искандар:

"Қўрқма, бизни осмон эмас, ер ўлдирди", — деб файласуфлик қиларди.

— Мен ортиқ бундай яшолмайман, — дейди бир сафар Искандар. — Бу ўғринча ҳаёт жо-нигма тегди.

Искандар Садафни эридан ажратиб, ўзи ҳам хотинидан ажрашиб, унга уйланишни режа қилади. Аёл кўнмайди.

— Кел, насия қайғуни ўйламайлик. Фақат шу кун, фақат шу лаҳза ҳақиқат, қолган ҳам-маси ёлгон, — дейди Садаф учрашувларнинг келайди, ҳаммасини узил-кесил ҳал қиламиз", дейди.


Бироқ Астанага бориб, омон қайтиш унга на-сиз этмайди. Сафарга бир кун қолганида жон-дан севган маҳбузасини тасодифан хиёнат ус-тида қўлга тушириб, Искандар бутунлай ка-рахт бўлиб қолади...

Бу — Искандар ун икки йилдан бери била-диган, оташин бир муҳаббат билан севиб-суй-ган, кўйида уни телба қилиб қўйган, қалбининг ҳўқмдори, ҳаётининг маъносига айланган Са-даф эмас, йўқ, батамом бошқа — нотаниш, етти ёт бегона бир аёл эди, деб ёзади муаллиф. Ва яна давом этади:

— Мана, Садафнинг аҳволини кўрдинг! — деб шивирлади у. — Хўш, кўнглинг жойига туш-ди?

Дарс тугади. Бу охириги дарс эди. Йигирма тўққизга қадам қўяётган азамат кема сардори, тоғни урса толқон қиладиган за-бардаст бу йигитнинг шу тобдаги дарду тўғё-нини, аҳволи руҳиясини дунёда ёлғиз бир одам тушунар, мажруҳ кўнглига малҳам бўла олар эди. Минг афсуски, бу инсон энди йўқ — ўтган кеча тириклайин йўқ бўлган эди. Ҳар қанча соғ-лом, жисмонан бақувват бўлмасин, йигитнинг юраги бу машўм хиёнатни кўтара олмайди. Искандарни муҳаббат ўлдирди.

"Самолёт гилдираклари қарсиллаб бетон



йўлгага" теккан маҳалда олий тоифали учув-чининг пулты устида жони узилади.

"Uzbekistan airways" компаниясининг Тош-кент — Астана йўналиши бўйича 1386-рейс би-лан парвоз қилаётган "Airbus-320" самолёти авиаҳалоқатга учрагани, ҳалоқат натижасида бир киши қурбон бўлганини бир юзу етмиш сак-кизта йўловчидан биронтаси сезмади...

Ҳикоя шундай тугайди. "Осмони фалакларда" китоби тақдиротида сўз олган филология фанлари доктори Султ-онмурод ОЛИМ мазкур ҳикоя ҳақида фикр билдириб, жуда ўринли хулоса қилади:

"Тўзал Садафнинг бахтига қарши ки-шини ўйга толдиради. Уни уч йил сўрамаган, ҳатто ўз ўғлини қўришга бир мартаба ҳам кел-маган эрига хиёнатини беихтиёр тушунгандек бўласиз. Лекин уни еру кўкка ишонмай севган, хотини, фарзанди, обрў-нуфузи қолиб, бутун борлигини унга бағишлаган Искандарга хиё-нати нимаси?"

Уша шармандали вазиятда аёл Искандарга қараб: "Бошқа илложим йўқ эди, тушуняпсанми, йўқ эди!" — деб бўзлайди. Асарда бунинг са-баби очилмаган. Бу ёғи китобхоннинг ўзига кў-

йиб берилган. Аммо ўқувчи Садафнинг бу га-пидан ўзича нималарнидир ўйлайди, тахмин қилади, хулоса чиқаради. Уни тушунгандек бў-лади ҳам. Садафнинг бу хатти-харакатини Ис-кандарни ўзидан бездириб, бутунлай узоқла-тишга, шу тариқа унинг оиласини пароканда, кичкина Садафни эса тирик етим бўлиб қолиш-дан асрашга қаратилган охиёна — аёлона бир уриниш деб тушуниш мумкин..."

Ҳикояни ўқиб, яна бошқачароқ яқун чиқа-ришга асослар ҳам йўқ эмас. Унаштирилган йигитининг қамалиб кетиши, электрон сигарет чекиши, СМС ёзишмалардаги чаласаводлик, Даша ва Машалар ва ниҳоят "Фақат шу кун, фақат шу лаҳза ҳақиқат, қолган ҳаммаси ёл-гон", тарзидаги фалсафаси Садафни ҳаётдан, муҳаббатдан ўч олишга ундамадимкин?

Шу ўринда машҳур рус шоири Михаил Пер-монтовнинг куйидаги сатрлари эсга тушади:

**Беорларча алдайман мен ҳам, Энди сира севмаслик учун. Менга вафо қилмагач, санам, Хотинларга ҳурматим нечун?**

Зеро, Садафда хориж кайфияти ва дунёқа-раши устунлигини англаб олиш қийин эмас.

"Бир кишилик авиаҳалоқат" — бу сиру си-ноатга тўла, гўзал ва нафис ҳикоя. Нима бўл-ганида ҳам, ўқувчи Садафни қораламайди. У ёрқин образ сифатида китобхон кўз ўнгида гав-даланаверади, ўқувчининг меҳрини қозонаве-ради. Йўқса, кечагина гўшанга кирган ёш бир журналист йигит "Бир кишилик авиаҳалоқат" ҳикоясидан сира узилиб кетолмаяпман, деб ёзармиди ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳи-фасида.

Асардаги воқеаларнинг бу қадар чигалла-шуви, эҳтимол, мавзуд муҳит таъсиридандир. Ҳикоя тез ва равон ўқилади. Лекин у билан тез ва равон хайрлашиб бўлмайди. Кетма-кет са-воллар пайдо бўлаверади. Бу саволларга ҳар ким ўз тафаккур тарзидан, дунёқарашидан кели-либ чиқиб жавоб излайди. Минг ўқувчи — минг хил савол, яна шунча ечим...

Ҳақиқатан ҳам, ҳикоя инсонни ўйлашга, та-факкур қилишга ундайди. Қайроқтош мисоли идрокни чарқайтиради. Ёзувчининг маҳорати ва жасорати айнан мана шунда.

Ушбу мулоҳазаларга сўнгги нуқтани қўйиш олдида беихтиёр буюк Абдулла Қаҳҳорнинг куйидаги сўзлари ёдга тушди: "Жаноб Толстой-нинг асарлари бамисоли қазига ўхшайди, чай-наган сари мазаси чиқаверади..."

Раҳматилла ШЕРАПНОВ

ШЕЪРИЯТ

## Бахтсизликни унутсин диллар...

ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚ

Сени севар эдим, сени шунчалар,  
Сени шабнамдан ҳам рашк қилар эдим.  
Тумордек ярашган қора холинени  
Ҳапто нафасимдан қизганар эдим.

Хаёлларинг эди қордайн оппоқ,  
Эди орзуларинг оқ булутдай оқ.  
Ай, сени йиғлатиб қўйдим-а,  
Кўксимни ёндирган лолақизгалдоқ.

Доғ қилиб қўйдим-а ёноқларингни,  
Кечир мени, кечир, кўнглим эркаси,  
Жилосиз беадаб бармоқларимни,  
Гуноҳкор юрагим, сўқир кўзимни.

Уч фасл кутгандим сени интиқиб,  
Сени деб ёнинга келгандим атай.  
Теккизмай дегандим сенга лабларим,  
Соғинч кўзларимни кўр қилган, нетай.

Мен сени барибир яхши кўраман,  
Тақдирга битилган — яшамоқ шундоқ.  
Уч фасл мен учун аталган қайғу,  
Юрагим ёндирган лолақизгалдоқ.

Майлига, энди сен кечирма асло,  
Унутиб, янада чиройингни оч.  
Тасодиф дуч келсак баҳор чоғида,  
Нафасим етмасдан, юзинг буриб қоч!

Уч фасл мен учун аталган қайғу,  
Тақдирга битилган — яшамоқ шундоқ.  
Мен сени шунчалар яхши кўраман,  
Вужудим ёндирган лолақизгалдоқ!

\*\*\*

Мен бир қўшиқ битмоқ бўламан,  
Уни айтган сира толмасин...

Хуршид ДАВРОН.

Мен бир қўшиқ битмоқ бўламан,  
Нафрат, ҳасрат ундан йироқда.  
У шундайн эркин қўшиқдир,  
Тинглаганлар ёнимас фиरोқда.

Мен бир қўшиқ битмоқ бўламан,  
Навасидан ҳайратда қотиб,  
Сезмай қолсин, бир олам меҳр  
Борганини юракка ботиб.

Бу қўшиқни минг бор тинглашиб,  
Ва қайталаб айтмоқ бўлсинлар.  
Кўчиб юрсин диллардан-дўлга,  
Қиёмидан меҳр олсинлар.

Куйласинлар тақрор ва тақрор,  
Бахтсизликни унутсин диллар.  
Биёбонда кўз очсин чашма,  
Хазон богда барқ урсин гуллар.

Эшитсинлар қайта-қайталаб,  
Ботмасинлар ҳеч қачон ғамга.  
Шодон боқиб яшасин мудом,  
Керак билиб одам-одамга.

Ана шундай муждалар билан,  
Мен бир қўшиқ битмоқ бўламан.  
Лек дилларга етмаса қўйи,  
Куйиб унда ўзим ёнаман.

Мен бир қўшиқ битмоқ бўламан...

УЗУН ТУН

Самода ой ва юлдузлар,  
Табиат ҳам жимжит. Сўкутга чўмган.  
Узун тун. Хаёллар ногоҳ бизилар,  
Ёлғизлик.

Гўёки ҳаёт ҳам сўнган.  
Узун тун. Қўл узра ой сўзар қалқиб,  
Соҳир кечаларга гувоҳ эди у.

Бу тун ҳижронлардан оғир тўлғониб,  
Юракка чирмашар тобора қайғу.  
Узун тун. Хаёлан кўкларда урчак,  
Бари бекор, гўё тўқилган эртак.

Бу тун айрилиқнинг шаробин ичши,  
Бу тун барчасидан кечмоқлик керак.  
Узун тун бунчалар бўлмаса узоқ,  
Кутаман энтиқиб тонганинги отишин.  
Сўнғи бор ўйларга кўяман тузоқ,  
Унутаман унинг эрка боқушин.  
Узун тун-ей, узун тун, узуун тун,  
Бағримни айлагин сен бутун!

СОҒИНЧ

Баҳор менинг биринчи севгим,  
Юрагимда очилган лола.  
Вужудимни кучиб, эркалаб,  
Илк туйғусин этган ҳавола.

Баҳор менинг биринчи севгим,  
Уммон бўлиб тошаётган ҳис.  
Бойчечакдан гулчамбар тақиб,  
Кўзларимга боқиб турган қиз.

Баҳор менинг биринчи севгим,  
Нозиккина, капалақкина.  
О... шунчалар покдир Баҳорим,  
Эркагинам, меҳрибонгинам.

Баҳор менинг биринчи севгим,  
У дилмида яшнаган кувонч.  
Яшайверар кўнглимда мангу,  
Боқий умр, умрга ишонч.

Баҳор менинг биринчи севгим!

\*\*\*

"...Мен бимидан сўрадим:  
— Она, дадам нега йиғлаптилар?...  
— Даданг жинни бўлиб қолибди... — жа-  
воб қилдилар ва бошқа сўз айтмадилар..."

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ.

Муҳаббатнинг тили соқов,  
Муҳаббатнинг кўзи қўрми?  
Нега Кумуш ўлиб қолди,  
Нега Зайнаб шунча зўрми?

Муҳаббатдан қуриб битган  
Қасрлар-эй, ваёрон бўлди.  
Юрак йиғлар ўқиб-ўқиб,  
Кумуш ўлди, Кумуш ўлди!

Муҳаббатнинг синовлари  
Кумушхонага етмасмиди?  
Ғаюларни билганида,  
Маргилондан кетмасмиди?

Ўткан кунлар бунча оғир,  
Сўзлар келар қийнаб, қайнаб.  
Тилда фақат ўша сўзлар,  
Лъанат, лъанат сенга, Зайнаб!

Қани чиқсам аламимдан,  
Тақрор-тақрор лъанат айтиб.  
Бироқ ўткан кунлар ўтган,  
Энди келмас Кумуш қайтиб.

Юрак бағир бўлди кабоб,  
Ўқиб-ўқиб, йиғлаб олдим.  
Бибим, айтманг бошқа жавоб,  
Мен ҳам жинни бўлиб қолдим.

КўНГИЛ БИЛАН СУҲБАТ

Кўнглим, нималарни истайсан, гапир?  
Гоҳида йиғлайсан, гоҳида шўхсан.  
Гоҳида юракни қиласан дилгир,  
Гоҳида қафасда қамалган қушсан.

Кўнглим, нималарни истайсан, гапир?  
Сенинг азобингдан қийналади МЕН.  
Сенда бор эди-ку қаноат, сабр,  
Нега узун тилинг чайнаб қолдинг сен?

Кўнглим, нималарни истайсан, гапир?  
Кел, энди очқича бир ёрилайлик,  
Кўнглим, қадам қўйган сенинг қулбанга  
Муҳаббатни айтдил, қандай сиёлайлик?

Йиманиб кўнгли шивирлар секин: — Сев,  
Чиндан сев, чиндан сев, фақат мендан сев!

\*\*\*

Устозим, ёзувчи  
Собир ЎНАРНИ хотирлаб

Елкасига костюмин илиб,  
Собир Ўнар қайга кетмоқда?  
Хаёллари бир олам бўлиб,  
Қай манзилга, қайга шошмоқда?  
Гоҳ қоятош, гоҳ адирларда,  
Кетиб борар бургутдай учиб.  
Вазмин боқиб бутун борлиққа,  
Тор дунёни кенгадён кучиб.  
"Бу манзилда юрмоқлик шараф",  
— дея, шахдам қадамлар билан.  
Бораётир бир манзил тараф,  
Юрак тўла соғинчлар билан.  
Шу манзилдан илҳом излади,  
Шу манзилда яшади ҳар он.  
Шу манзилдан топди жавоҳир,  
Савод берди шу "Ота макон".  
Собир Ўнар қайда десангиз,  
Манзилида бормоқда ҳамон.  
"Сариштали одамлар"ида,  
Кезиб ҳар дам бўлмоқда меҳмон.  
Хотирларда яшайди мангу  
Собир Ўнар кундаликлари.

Келди ЁР

Кўхна қишлоқ, содда одамлар,  
"Кўхна қишлоқ эсдаликлари".  
Собир Ўнар қайда десалар,  
"Орзу тўла қишлоғи"да у.  
Булбуллари қуйлаган юртинга  
Дилларида яшайди мангу.

Собир Ўнар қайда десалар,  
Ашўрларин ўқиб, ўқиган.  
Ҳар қоракўз кўз жоласида,  
Қир-адрида майсалар унган.  
"Чамбилбелнинг ойдаласи"да,  
Кувекалланинг ойдаласида!..

ТОНГ ҲИСЛАРИ

Эрта тонг. Сокин ғуборсиз тонг,  
Вужудларда қайнайди ҳислар.  
Тоғ ортидан қуёш урар бонг,  
Майсалардан келади ислар.

Тоза юрак, топ-тоза қалблар,  
Уммон бўлиб бўйи урар ҳаёт.  
Жўш уради орзу-умидлар,  
Қандай яхши бу жўшқин ҳаёт!

Тоғлар гўзал, боглар чиройли,  
Кувончлардан жимирлағай тан.  
Кўёши бор, тунлари ойли,  
Чиройлидир муқаддас Ватан!

О... нақадар хушбўй бу ҳаёт,  
Севимлидир гўдак исидай.  
Эрта тонг тинч, замин барҳаёт,  
Тонг чиройли барчага бирдай.

Эрта тонг. Сокин, ғуборсиз тонг,  
Вужудларда қайнайди ҳислар.  
Тоғ ортидан қуёш урар бонг,  
Майсалардан келади ислар.

Қандай гўзал бу жўшқин ҳаёт!

ХАЁЛ

Хаёл, бир зум тарк этгин мени,  
Сенсиз бир зум кўкларни кучай.  
Онам таққан мунис туморни  
Чақалоқдай ўйноқлаб ётай.  
Ё ер узра курагим силқиб,  
Илк майсалар униб чиққандай,  
Ёки сокин дарёдай оқиб,  
Таскин берай ўзимга жиндай.  
Хаёл, бир зум тарк этгин мени!

АЁЛ

Юзларидан ёғилиб нурлар,  
Қуёш бўлиб порлайди аёл.  
Кўлларида сочилиб гуллар,  
Баҳор бўлиб яшайди аёл.

Шамол бўлиб яшайди аёл,  
Дея, рўзгор бўлмасин аёбор.  
Гўдагини бағрига босиб,  
Ҳам тунини ўтказар бедор.

Тонгда уни кутади шабнам,



Муаллиф ҳақида:

Келди ЁР (Келдиёр Тўлиев) — Са-марқанд вилояти, Қўшарбот тумани, Қувқалла қишлоғида туғилган. 1995-1999 йилларда Алишер Навоий но-мидаги Самарқанд давлат универси-тетининг филология факультетининг журналистика бўлимида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳридаги 16-сон умумтаълим мак-табида ўқитувчиликдан бошлаган. Кей-инчалик "Эрудит" газетасида масъул котиб, Самарқанд вилоят телерадио-компаниясининг радиозашиттиришлар бўлимида муҳаррир, "Панорама" га-зетасида муҳаррир ҳамда "Туркистон" ва "Жамийат" ижтимоий-сиёсий газа-тарининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Журналистлар уюшма-сида масъул котиб лавозимида фао-лият юритиб келмоқда. Даврий мат-буот ва журналларда шеър ва ҳикоя-лари нашр этилган.

Булбул қўшиқ қуйлар, ҳойнаҳой.  
Ҳапто ширин хаёлидан ҳам  
Атирғуллар олади чирой.

Тонг отмасдан уйғонар аёл,  
Рўзгорида тилаб бароқат.  
Хаёлида юз мингта хаёл,  
"Қирқ жон" билан қилар ҳаракат.

Эркагига яшар суяниб,  
Борлигига айтиб шукрлар.  
Топганига қаноат қилиб,  
Шу эмасми ҳақиқий аёл?!

Остонасин муқаддас билиб,  
Рўзгорини қилар саришта.  
Бир жонини қирқларга бўлиб,  
Тиним билмай яшайди аёл.

Остонаси унинг бахтидир,  
Чин севгидан бахтиёрдир у.  
Чин муҳаббат унинг тахтидир,  
Орзулари фақат мана шу.

Улар қалбин ўқитмоқ бекор,  
Улар шундай гўзал бир ришта.  
Улар умрин қилсак гар аёбор,  
Кетар уйдан файзу фаришта.

Аёлларга ширин сўз етар,  
Аёлларга шу ҳам бўлади.  
Жони қирқдан ошим кетса гар,  
Эркакларга нима қолади?..

Юзларидан ёғилиб нурлар...

МУТОЛАА

# КЎНГИЛ ҲАЙРАТЛАРИ

## ёки мунавварлик саодати

Ижодкор учун кўнгил ҳайратлари, дил ҳолатлари, ҳаёт сабоқлари муҳим. Ижодкор учун митти чумоли филдан катта кўрилади; бепоеён осмон қафтига сиғади. Ижодкор ўзини тафтиш этади. Ўзи билан ўзи курашади. Ўзини шод этади, ўзини ғам-аламга ботиради. “Ўзимга ўзим”да, бир вужудда дўст ҳам, душман ҳам истикомат қилади. Шундай ҳаёллар билан Мунаввара Усмонова ёзган асарларни ўқий бошлади. Мунаввара Усмонова шеърларида кўпинча она образи ётақчилик қилади. Шоира онаси билан дардлашади, онасига кўнглини ёради, ота-онасига бағишланган шеърларида “Сизлардан кейин қандай шайман?” деган дил иззорларини битади. Келиши ва кетиши — дунё шудир.

Онасига мурожаатлар доимий, айна пайтда орадан йиллар ўтиб, она образи ўрнида энди шоиранинг ўзи пайдо бўлади.

**Болам, келсанг қай маҳал,  
Кўзим йўлунга маҳтал,  
Қошига келиб ҳар гап,  
Она, мен келдим, дегин!**

Бир шеърда “болам”, деса, кейинроқ “на-бирам” дейди.

Баҳарнав, шоира шеърлари умр йўллари ва бу йўлларнинг файзли бекатларидан дарак беради. Шеър — аслида, шоирнинг бадиий сўзга кўчган таржimaiи ҳолидир. Фаоҳат билан кузатилса, шеърда муаллифнинг борлиги, жону ҳақони акс этади. Шеър ижодкор инсоннинг ҳаёт йўлларидан қолган изларга менгзалади. Ортига қараган шоира шу изларда ял-ял очилган гулларни, “ойга сирдош, қуёшга мафтун” дамларни, яшанган кўнгиллари, “вақт билан жанг қилган” жасоратли одамни, ҳовучдаги хавотирли юракни, минг бир эзгу тилакни, орзуларига умидларидан закот берган кунларни кўради. Шеърга кўчган ҳаёт шудир.

**Биламан, ёзилган қазои қадар,  
Авал бу, кейин у дунёга сафар.  
Лекин алам қилар дарёга томган  
Томчидай из солмай ўқуқолиб кетсам.**

Ўзини, ўзлигини, олам ва одам ҳолини, саво ва гуноҳнинг савол-жавобини, мунаввар умр мазмунини, боқий ва фоний ҳаёт моҳиятини англаган инсон саодатлидир. “Шунча йил ким учун яшадим?” — бундай сўрловлар изидан ҳар ўтган куннинг сарҳисобини қилиб: “Савобим бормикин битта кўлмакча”, деганича хавфу раҳода туради. Гоҳида тазару кўчасига бурилиб, “ҳаёт саҳнасидаги хатолари”ни ўйлаб: “Эгам, сени англашдан олдин Мен ўзимни тоғмоғим керак”, деб ёзиш саодатманд инсонга хосдир. Зотан, ўз борлигига назар сол-

ган одам Яратувчини англайди, албатта. Олти аср муқаддам Ҳазрат Навоий бу воқеликни, яъни ўзни, ўзликни топиш ҳодисасининг бадиий талқинини қўшлар жамоаси зиммасига юклаган эди. “Мен ўзимни тоғмоғим керак” — бу орзу-истак ва жаҳд Ҳазрат қўшларидан меросдир бизга.

Шеър соғинчдан, ҳайратдан, завқдан, аламдан бунёд бўлади. Аслида, шоирлар дунёни англаш учун, ўзидан ғамларни аритиш учун шеърлар битади. Баъзан ўзини юлдузлар ёнида кўради, осмони фалакларда кезинади. Аммо оёғи ердан узилмайди, ўзидан кетмайди. Ўз кўнгли билан тортишади, талашади. Гоҳида кўнгли “ишқ осмониди бамисоли бир ҳилол” бўлса, бошқа бир паллада: “Қайсар кўнгли, асли сендан безиб кетдим...”, дейдиган ҳам уллар.

Назаримда, барча фарзандларига бирдек меҳр берган отага эҳтиром, у зоти шарифга авлиёсифат пирдек қараш, хоки-пойларини кўзларга суртиб яшаш бобиди Мунаввара опа ҳар кимга сабоқ бера олади. Шоира “чинорим отам” деб падари бузрукворини улуғлайди.

**Келиб-кетар неча баҳор, куз,  
Ипинмайди пишса узумлар.  
Йўқ йўлимга термилгувчи кўз,  
Чақирмайди энди “қизим”лаб.**

Ота ўтганидан кейин шоира ёзган бундай ҳазин мисралар беихтиёр ўқувчини ҳам маҳзун қилади.

**Кўнглимда бир гап айланди, қайтардим,  
Дилимда бир дард айланди, қайтардим.  
Дил ёзилар дардинг билган одамга,  
Отам тирик бўлганида айтардим...**

Олти бандлик шеърнинг ҳар охириги бандида “Отам тирик бўлганида...” деган ҳасратли, ўкинчли сўз бирикмаси такрор келади ва шоира бирор қаторида “отам ўлган” деган таъбирни қўлламайди. Мотам либосини киймоқ истамайди. Шунинг учун ҳам “Асли шу тунд матоларни суймасдим, Отам тирик бўлганида киймасдим” деган дардли мисралар шоиранинг йиғлаётган армонли кўнглидир. Шеърни ўқидим, таъсир қилди. Беихтиёр кўзим ёшларни қолди. Ўз-ўзидан қутилмаганда йиғи бошланди қолди. Мунаввара онанинг шеъри боис отамни, онам раҳматлини эсладим. Дуо қилдим. Рухим бир енгил тортиди. Рухий бир тоза-ришга шеър ёрдам берса, ўзингни, ўзлигингни, келар-кетарингни ўйласанг, бадиий адабиётнинг кучи-қуввати шудир. Нафосатшунслик илмида бу ҳодиса номи — катартиш. Босар-тусарингни билмаганда, осмонларда юргангидега ерга тушириб қўйса, ерга чўкиб, буклиб букчайганда қўлингдан тутиб қаддингни ростлашга ёрдам берса — бадиий сўзнинг оламшув-

мул қудрати шудир.

Шоира ёзган шундай таъсирли, шундай чин шеърлар баъзан ҳаёт ва ўлим чегарасини муҳокама қилади. Ўлимдан сўз очилганида шеърнинг марсияли мотам пафоси сизни эгалласа, йиғлаб олсангиз, демак, ишонинг шоира бу шеърини йиғлаб ёзганлигига. “Айтардим” шеърдан Мунаввара Усмонованинг майин, маҳзун ва шикаста бир овози эшитилади. Шеърга муаллифнинг дарду дунёси кўчса, шундай чин, шундай таъсирли, шундай ҳаётий ёзилади, албатта.

**Эй, май, ғамдан сенга не фойда,  
Дунё асли яралмиш бир кам.  
Эслатмайсан, ахир шу ойда  
Тугилди-ку жажжи набирам.  
Сени яхши кўрагимиз, эй май...**

Бу интизорлик билан қутиладиган ойда қувонч бор эди. Айрилиқ пайдо бўлди. Умидли дунёда, табиийки, ташвишлар билан орзу, эзгу ният ва шодлик параллел давом этади.

**— Она, сизгамай қолдим, уйим тор.  
— Менинг юрагимга кўч, болам!**

Баҳайбат, данғиллама қасрларга сизмаган бола онанинг митти юрагига сиғади.

**— Мажолсизман, недан билмадим.  
— Дуоларим сенга куч, болам!  
— Она, бедорликдан чарчадим...  
— Шеърдан, шоирликдан кеч, болам!**

Фарзандини авайлаган она шундай насиҳат қилиши табиий. Она учун абадиёт кўшидан ҳам, тоғдек тиллодан ҳам фарзанд муҳим. Уни авайлаши лозим. Аммо шеър йўлига кирган, сўз дардига мутало кўнгил эгаси бу йўлдан то умр бўйи кеча олмайди. Ижод доимий бедорлиқни, огоҳлиқни, дардамандлиқни, беморлиқни, телбалиқни, ҳушёрлиқни талаб қилади, кўпинча энг зуқко адабиётшунсо ҳам бисотидаги факуллода жаҳоншумул илмий атамалари билан ҳам англаша билмайдиган завқли, дардли адабий ва абадий воқелиқдир. Шеър содир бўлади. Шеър бунёд бўлади. Тирик шеър ўз умрбоқий жони билан таваллуд топади. Гоҳида уларни шарҳлашдан кўра ўқиш мароқли. Гоҳида тушунтира олмаслигини ўзи завқли. Баъзан мунаққидлар ҳам шоирларнинг шеърларини шарҳлаб, таңқид қилгандан, қўлидан келса, шеър ёзиб ҳаловат тоғмоғи, шеърнинг таваллуд паллаларидаги изтиробларни бошидан ўтказмоғи керак.

**Нон ёпамиз, райҳон экамиз,  
Ташналикдан арйимиз, она.  
Шоирлигим не бўлса бўлар,  
Биргалашиб қариймиз, она...**

Она сўзи, она тилаги, она дуоси, она истаги шеърдан минг чандон баланд. Марҳамат, шоира онасига қараб “Шоирлигим не бўлса бўлар” деб турибди. Бу манзарани тасаввур қилиш қийин эмас. Она ризоси шоирликдан, олимликдан бениҳоя юксаклиқдаги мақом.

**Мен — улкан чинордан узилган япроқ,  
Ҳаёт соҳилида кезган дарбадар.  
Надомат ёйдан қочиб, югурган,  
Нух тўфонидан, Ҳаввога қадар...**

Бир саҳифада шу шеърга кўзим тушди ва аънавий-оилавий муҳитда тетапоё бўлган бадиий образнинг кўлами кенгайганини кузатдим. Шоира шеърларидаги бундай тасвирлар, кўчмалар, мавзу ва манзаралар кўламини англаш учун “Соғинч манзили”, “Бундай элни қайдан топасан?”, “Ҳаёт тумори” каби шеър китобларини ўқимоқни тавсия қиламан...

Мунаввара онанинг тоғаси бир куни дейди: “Сени шоир деб юрсам, ёзувчи ҳам бўлибсан. Қара, ҳикояларинг чиқадиган газеталарни қувчи юриб топаман”. Тоға гапининг исботини билмоқ учун, Мунаввара онанинг фазилатли қаламининг айна жиҳатини тасаввур қилмоқ учун “Бир куни” номли ҳаётий ҳикоялари жамланган китобини ўқимоқ лозим. Ихчам, таъсирли, ибратларга тўла, ортиқча лағвлардан холи, муҳимми, ҳаётий ва самимий ўтқунчлар экан уллар. Ҳикоя учун тил, тасвир, одам ва деталь муҳим. Шунда баён қилинган воқелик эсда қолади. Мен ака-сингил ўртага олов ёқиб, ювилган-у, аммо қуриб улгурмаган жемпернинг бир тарафини қуришти жараёнидаги суҳбатларини тинглагандек бўлдим. Жемпер олов тафтидан заха еди. Инсон ҳайвоннинг ўз зурриёти учун қуйингани, унга меҳри, ачиниши, унсиз йиғлашлари, тўғриси, бундай сентиментал ҳодисалар ифодаси ўқувчи қалбини ларзага солади. Тугилибок нобуд бўлган бузоғидан ажралган она сизнинг бошини тупроққа қўйганда носиси аниқ эшитилади. Шунга монанд Мунаввара онанинг нобуд бўлган укаси — норасида, беғуноҳ гўдаки ва уни қўлида авайлаб тутиб турган ота ҳолини бошимдан кечирганман. “Ғурур”да ўқувчи қиз мағруриятини, “Этиқод”да муаллимнинг ғамхўрона жасоратини, “Ипак курти”да умидлари билан оила-сига тиркач бўлган она образини, “Ҳайитлик”да отанинг ўзи қизи қатори етим қўшни қизга муруватини — буларнинг барча-барчасини аниқ тасаввур қилиш мумкин. “Уй илони” — менинг ҳам шунга мос мавзуним бор. “Илонлар, айниқса, урғочиси қасоскор бўларкан”. Шу гап жуда муҳим. Деталлаштириш насрий асарга куч бағишлайди. Ҳикояларда “чети учган пилёлага ун” солган она ёки “устига қаймоқ суртилган манти”, “оғзидан чиққан ипагини урولмай ғумбакка” айланган ипак курти ва, умуман, шу каби деталлаштирилган тасвирлар муаллиф-



нинг ҳаётни чўқур билишидан далолат беради. Бир парча чағиртошга сурчиқиб, ўзини англаган одам қайтар дунё мазамматларига ибрат назари билан қарашни ўрганади. “Бир куни” китобида шўро замони манзаралари, хусусан, пахта сийёсати, эътиқодий тушунчалар, меҳнатга кўмилган ва шунда “бахт топган” одамлар ҳаёт тарзи, мактаблардаги мафкуравий тутум ёнида миллий-фидоий муаллимлар, тўғриси, бундай воқелиқларнинг баёми ақин тарих ҳақиқатининг нисбатан тугал ифодаси учун хизмат қилади. Китобдаги ҳаётий ҳикоялар инсон қалбига мағрурият, орият, ҳақоният каби юксак фазилатлар тақомиллига ёрдам беради. Одамнинг одамга кўрсатилган чин меҳридан қувонасан. “Ил айланиб орзуим ушалди, талаба бўлдим. Хайрлашиб, дуосини олгани келган куним менга атласдан чиройли кўйлак кийдирди. Бағрига босиб унсиз йиғлади, ўз йиғлади...”. Тикувчиликда тикиш билан баробар имо-ишоралар тилини ҳам ўргатган устози талаба қизга кўйлак кийдириш воқелиги устида нафақат ўша покиза кўнгил беозор аёл, балки Мунаввара онанинг ўзи ҳам дув-дув йиғлаган бўлса керак.

“Укамнинг беланчагини тебратиш жонимга текканидан онамнинг изидан далага келардим” ёки юрак шаклидаги чағиртошни пахта терадиган эстагига солгани каби қатор ҳодисалар борки, Мунаввара опа яшириб, устига заррин рўмол ёки кимҳоб либос ёлмасдан ҳақ гапни ёзади.

Мунаввара Усмонованинг шеърларида ҳам, ҳикояларида ҳам шу зайлда ўзини, ўз қилмишларини шафқатсиз равишда бобурона пафосда тафтиш этиш хусусияти ҳам бор, азизлар.

Бир неча кун Мунаввара Усмонова шеърлари, ҳаётий ҳикоялари ичида яшадим. Адибанинг кечинмалари, туйғулари, ёзғиришлари, турмушнинг қомусий китобидан ўқиган сабоқлари, қувончлари, аламлари ичида кездим. Опа ёзган асарлар гулу гулзорни, муҳташам боғни эслатади. Тоғамиз ўғитича: “Кибру ҳавога берилган одамнинг боғи гулламайди”. Камтарин адиба Мунаввара онанинг чечаклари, чаман-чаман очилган гуллари — ёзган асарлари асло завол топмасин; яхшилик боғининг сархил мевали дарахтлари мўл ҳосил берсин.

Баҳодир ҚАРИМ,  
профессор.

АФСУС

# ОИЛАДАГИ ЗҶУРАВОНЛИКЛАР

“Эр-хотиннинг уруши — доқа рўмоннинг қуриши”. Ҳа, шундай. Ҳар қандай оилада ҳам баъзан турли гап, баҳс, аразлашиш каби ҳолатлар бўлиб туриши мумкин. Лекин эр-хотинлар тезда бир-бирини кечириб, яхши ҳаёт кечириб кетади. Аммо ҳаммиша ва ҳамма оилаларда ҳам ана шундай бўлганида эди...



Минг афсуски, шундай оилалар борки, у ерда оила бошлиғи бўлган эр томонидан аёлга доимий жиқмоний куч ишлатиш, уни аёвсиз калтаклаш, хўрлаш оқибатида фожиалар юзгага келадиган мисоллар ортиб бормоқда. Энг ёмони, ота-онанинг нотинч яшаши оиладаги муҳитнинг ҳаддан ташқари ёмонлашувига, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир қилмасдан қолмайди. Бундай аҳвол айрим ҳолларда унглаб бўлмас ҳолатларни келтириб чиқармоқда, нафақат оилавий ажримлар, балки келишмовчиликлар ҳатто ўлим билан якунланаётганига мисоллар ҳам йўқ эмас.

Авалло, ҳар бир ахлатли бўлиш ниятида оила куради. Эр

ҳам, хотин ҳам сабр-қаноатли, аҳил бўлса, оила мустаҳкам бўлади. Йўқса, майда-чуйда гап-сўзлар, турли келишмовчиликлар муносабатларни емириб, ҳаётни боши берк кўчага киритиб қўяди.

Баъзи бир эр-хотинлар ўртасида содир бўлаётган жанжаллар хавотирли ва ташвишли. Айниқса, ижтимоий тармоқларда дилни хира қиладиган ана шундай ҳодисалар тўлиб-тошиб кетди. Аёлларни таҳқирлаш билан боғлиқ зўравонликлар эса кишини чўқур ўйга толдиради. Бундай шафқатсизликлар содир бўлаётганлиги сабабларидан бири менталите-

тимизга хос белги — “уйдаги гап кўчага чиқмасин” деган истихоло. Афсуски, андиша оқибатида ҳақорат ва зулм авж олмақда.

Мамлакатимизда жабрдийда аёлларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Эридан жабр кўрган аёлнинг арз қилмаслиги зўравонликнинг жазосиз қолишига олиб келади. Жабрланувчилар айбдор билан бир уйда яшагини ҳисобга олсак, масаланинг нақадар оғирлигини англаш қийин эмас. Таҳлиллар ҳуқуқбузарликларни, асосан, эркаклар содир этаётганини кўрсатмоқда. Маҳаллаларда ва иш жойларида оила-

вий зўравонликларнинг олдини олиш бўйича доимий суҳбатлар ва назорат олиб боришни тақозо этмоқда, албатта.

Масалан, Яққасарой тумани Миробод кўчасида яшовчи Василлий Ч. ўзаро оилавий келишмовчилик оқибатида келиб чиққан тортишув натижасида турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, уни уриб, жиддий тан жароҳати етказган. Муштумзўр эр судда айбига иқдор бўлиб, қилган ишидан пушаймонлигини билдирди.

Суд маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган, деб топди ва Василлий Ч.га 5 сутка маъмурий қамоқ жазосини тайинлади. Юқоридаги мисолни “бу — оддий ҳолат экан-ку”, деб уйлашингиз мумкин. Лекин аслида ҳаммаси оддий ана шундай жанжаллардан бошланади. Демак, оила мустаҳкам, бахтли бўлиши учун у тинч бўлиши лозим. Бунинг учун эса янги қурилаётган оилалар бир-бирларига мос, маънавий етук бўлиши жуда муҳимдир.

Зохиддин НУРИДДИНОВ,  
жिवоят ишлари бўйича Яққасарой туман суди тергов сўзбаси.

ЭЪЛОН

## Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 июнда қабул қилинган “Бадиий таржима соҳасида Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини хорижий тилларга, жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бадиий таржима соҳасида Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот танловини эълон қилади.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган маъзув халқаро адабий танлов миллий адабиётимизни дунёда кенг тарғиб қилаётган, жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек тилига ўғриб, китобхонларга тақдим этаётган фидоий таржимонлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ёшлар ўртасида китобхонлиқни оммалаштириш, хорижий мамлакатларда ўзбекистонлик адиблар ижодига қизиқишни янада ошириш каби хайрли мақсадларни назарда тутаяди.

Маъзув танловга эълон берилган санадан бошлаб ўтган беш йил давомида китоб ҳолида чоп этилган ёки босма даврий ва электрон адабий нашрларда эълон қилинган таржима асарлар қабул қилинади.

Халқаро танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади ва унга белгиланган ҳажмдан

кам бўлмаган асарлар қабул қилинади:

- ўзбек адабиёти насрий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима – камида ўн босма табоқ;
- ўзбек адабиёти шеърий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ;
- ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ;
- хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима – камида ўн босма табоқ;
- хорижий тилларда яратилган шеърий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ;
- хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти намуналаридан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ.

Драматургия жанрига оид таржима асарлар ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар асосида қўриб чиқилади.

Халқаро танловга асарлар 2025 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан қабул қилинади.

Ғолибларнинг ҳар бири махсус диплом, кўкрак нишон ва базавий ҳисоблаш миқдорининг уч оз баравари миқдориди бир марталиқ пул мукофоти билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотларни интернетдаги “ogahiyukofoti.uz” сайтдан олиш мумкин.

